КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ФЕВРАЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ИНТЕНСИВЛАШ УЧУН!

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТЛАРИ ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 44 (2592) | якшанба, 1 март 1964 йил. | Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

28 февралда КПСС Марказий Комитетининг Президиумининг аъзолари, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидатлар, КПСС Марказий Комитетининг секретарлари, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари, иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетларининг биринчи секретарлари, иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитети қишлоқ хўжалигига раҳбарлик бюросининг раиси бўлган Марказий Комитет секретарлари, иттифоқчи республикалар Компартиялари Марказий Комитетлари қишлоқ хўжалик бўлимларининг мудирлари, иттифоқчи республикалар қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш, қишлоқ хўжалик, суғориладиган деҳқончилик ва сув хўжалиги министрлари, Госплан раисларининг ўринбосарлари, «Сельхозтехника» республика бирлашмаларининг раислари, баъзи қишлоқ ўлка ва область партия комитетларининг биринчи секретарлари иштирок этдилар.

СССР қишлоқ хўжалик министрлиги, СССР Госплани, «Союзсельхозтехника» Бутуниттифоқ бирлашмаси, суғориладиган деҳқончилик ва сув хўжалиги давлат ишлаб чиқариш комитети, тайёрлаш давлат комитетининг раҳбар ходимлари, олимлар ва мутахассислар, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети аппаратининг масъул ходимлари, марказий газеталар ва журналларнинг редакторлари ҳам кенгаш ишида қатнашиш учун таклиф этилдилар.

КПСС Марказий Комитетининг Биринчи секретари, СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. С. Хрушчев Марказий Комитет февраль Пленумининг қарорларини бажариш соҳасидаги конкрет тадбирлар тўғрисида доклад қилди.

Биз, деди Н. С. Хрушчев, Марказий Комитет февраль Пленумининг қарорларини бажаришнинг баъзи амалий масалаларини сизларнинг муҳокамангизга қўйишга қарор қилдик.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигини муваффақиятли ривожлантириш ҳамда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни Пленум қарорларида белгиланган даражага етказиш учун ҳамма моддий асослар яратилди ва яратилмоқда. Партия минерал ўғит ишлаб чиқаришни катта программасини амалга оширмоқда, қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқариш кўпаймоқда, суғориладиган деҳқончилик соҳасида катта ишлар олиб борилмоқда.

1964 йилда қишлоқ хўжалигига Совет ҳокимиятининг бутун тарихида мисли кўрилмаган энг кўп капитал маблағ ажратилди. Давлат 1953 йилда қишлоқ хўжалигига 985 миллион сўм ажратган бўлса бу йил у қишлоқ хўжалигига 5 миллиард 400 миллион сўм ажратмоқда.

Партия Марказий Комитети ва ҳукумат кейинги йилларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг харид нархларини анча оширдилар.

Сталин ҳаётни даврида жорий қилинган колхозлар манфаатига зид бўлган баҳолар сиёсатини партия қоралади. Ўша вақтда нархлар шу қадар паст эдики, колхозлар маҳсулот сотиш ҳисобига ҳатто ишлаб чиқариш харажатларини ҳам қоплай олмас эдилар.

Ҳозирги харид нархлари колхоз ва совхозларга хўжаликни рентабель тарзда бошқариш, кенгайтирилган ишлаб чиқариш учун жамғарма тўплашни таъминлаш имконини бермоқда.

Ҳозирги асосий вазифа шундан иборатки, кишиларни қабул қилинган қарорларни бажаришга отлантириш, уларни дон, қанд лавлаги, пахта, картошка, сабзавот, гўшт, сут, тухум ва бошқа маҳсулотлар етиштиришни кўпайтиришдан моддий жиҳатдан манфаатдор қилиш керак.

Янги асосларда—одамни одам эксплуатация қилмайдиган асосда коммунизм жамиятини қураётган биз совет кишилари учун маънавий стимул муҳим, албатта. Коммунистик жамият идеалининг ўзи ана шундай стимулдир.

Бироқ бу жамиятни барпо этиш учун, тезроқ олға ҳаракат қилмоғимиз учун биз моддий стимулнинг улуғ кучидан ҳам фойдаланишимиз, унумлироқ ишлаётган кам меҳнат ва маблағ сарфлаган ҳолда кўпроқ маҳсулот бераётган, янги жамият қурилишига кўпроқ ҳисса қўшаётган кишилар меҳнатига кўпроқ ҳақ тўланишини таъминлашимиз керак В. И. Ленин коммунистик жамият қурувчи кишиларнинг моддий манфаатдорлиги принципи ҳақида гапирганида бизларни худди шу нарсага даъват этган эди.

Колхозчилар ва совхоз ишчиларининг маҳсулот етиштиришдан моддий манфаатдорлигини ошириш вазифасини биз қандай ҳал этишимиз керак?

Етиштирилган маҳсулот миқдори ва сифати учун моддий рағбатлантириш йўлидан дадил ва қатъият билан бориш керак. Колхозчи ва совхоз ишчиси қанчалик кўп маҳсулот етиштирса, у ўз меҳнатига шу қадар кўпроқ ҳақ олиши керак.

Ҳамма соҳаларда тежаш мумкин, лекин бевосита маҳсулот етиштираётган кишиларни моддий рағбатлантириш соҳасида тежаш ярамайди.

Текисчиликка қарши қурашмоқ керак. Биз меҳнат соҳасидаги яхши натижалар учун муносиб ҳақ тўлаш соҳасида катта имкониятларга эгамиз. Моддий неъматлар яратаётган кишиларни биринчи навбатда рағбатлантирмасак, бошқа кимни рағбатлантирамиз, ғижр.

Сўнгра ўртоқ Хрушчев кўпгина колхозлар, совхозлар, бригадалар, механизациялаштирилган звенолар ишини чуқур анализ қилиб берди, ишлаб чиқаришни комплекс механизациялаш асосида меҳнат унумдорлигини ошириш, маҳсулот таннархини пасайтириш учун колхоз ва совхозларда ғоят катта резервлар ва имкониятлар борлигини кўрсатиб ўтди. Н. С. Хрушчев қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришдан колхозчилар ва совхоз ишчиларининг моддий манфаатдорлик системасини ишлаб чиқиш юзасидан амалий маслаҳатлар берди.

Ўртоқ Хрушчев ўз докладида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини планлаштириш соҳасидаги камчиликлар тўғрисида, КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг планлаштиришнинг янги тартиби ҳақида 1955 йилда қабул қилган қарорига риоя қилинмаётганлигини кўрсатувчи фактлар тўғрисида гапирди. Баъзи маҳаллий органлар, дейди Н. С. Хрушчев, бу қарорга хилоф равишда колхозларга экин экиш планларини мажбуран қабул қилдирмоқдалар, бу билан колхоз раҳбарлари ва совхоз директорлари, қишлоқ хўжалик мутахассислари фаолиятига зарар етказиб, колхозчилар ва совхоз ишчиларининг ижодий ташаббусини бўғиб қўймоқдалар.

Ўртоқ Хрушчев баъзи ходимларнинг агротехника соҳасида бир қолипдаги усулларни жорий этиш, колхозларга ва совхозларга буйруқбозлик қилиш йўлидаги уринишларини қоралади. Ўртоқ Хрушчев ишлаб чиқариш бошқармалари ва партия комитетларидаги ташкилотчилик иши ўрнига маъмуриятчилик қилаётган ходимларни танқид қилди.

Ўртоқ Н. С. Хрушчев ўз докладининг охирида саноат ва қурилиш соҳаларидаги баъзи вазифалар ҳақида гапириб ўтди. Докладчи ҳар бир қурилишни контроль остига олиш, қурилиш билан ускуналар етказиб бериш ўртасида тафовутга йўл қўймаслик зарурлиги ҳақида гапирди. Химия ускуналари ишлаб чиқариш ва химия қурилишларини контроль қилиб туришга алоҳида эътибор берилди.

Ўртоқ Хрушчев партия ташкилотларига мурожаат қилиб, конкрет ташкилотчилик ишини авж олдиришга, барча меҳнаткашларнинг куч-ғайратини партия Марказий Комитетининг декабрь ва февраль Пленумлари қарорларини амалга ошириш учун сафарбар этишга чақирди.



Областимизнинг илғор хўжаликларида техника ремонти жадал бораяпти. Юқори Чирчиқдаги машъал «Политотдел» колхозининг механизаторлари ремонт ишларини тугаллай деб қолдилар. Чапдаги суратда: (чапдан) С. Умаров ва Ким Нахен ўртоқларни кўриб турибсиз. Улар ПМ—9 машинасини созлашаяпти. Ўнгдаги суратда: «Назарбек» совхозининг ремонтчи механизаторларидан Я. Санаев (ўнгда), Т. Аҳмедов ва С. Шарипов ўртоқлар иш устида. А. Абалян фотолари.



Қунт ва меҳнат бу қизнинг шуҳратини оширди. У Тошкент химия фармацевтика заводига янги ишга келганида шогирд эди. Мана бугун шогирдларга устоз. Ампулалар тозалаш смена топшириқларини доимо ортиғи билан адо этиб коллектив ҳурматини қозоняпти. Гулжаҳон Рихсиева катта химия саноатини ривожлантиришда кичик бўлса ҳам ўз ҳиссасини қўшаётганлиги билан мамнун. Суратда: пешқадам ишчи ўртоқ Г. Рихсиева иш устида.

А. Палехов фотоси.

ТЕХНИКА КЎКЛАМГА ТАЙЁР

Ўтган йили давлатга пахта топшириш йиллик планини 3-«Далварзин» совхозида муваффақиятли адо этган 5-бўлим ишчилари шу кунларда ғанимат фурсатлардан унумли фойдаланиб, кўклам экиш кампаниясига пухта ҳозирлик кўряптилар. Бўлимда қишлоқ хўжалиги техникаси ремонти барвақт тугалланди. Барча техника кўкламга тўла шайлаб қўйилди. Бўлимда ариқ-зовурларни тозалаш, дала чекаларига гўнг ташиб чиқариш каби ишлар ҳам уюшқоқлик билан олиб бориляпти.

М. НУРМУҲАМЕДОВ,
Бекобод.

ТЮПКО ТАЖРИБАСИНИ ЎРГАНИШМОҚДА

ЯНГИЙЎЛ, (УзТАГ). Урта Осиё машина синаш станциясида пахтачиликни комплекс механизациялашдаги - илғор тажриба Урта Осиё мактаби ташкил қилинган эди. Мактабда ўқиш тамом бўлди. Унда Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон ва Қирғизистондаги пахтакор колхоз ва совхозларнинг бригада бошлиқлари ўқитилди.

Булар орасида Тожикистон ССР Восе ишлаб чиқариш бошқармасидаги Ленин номли колхознинг ўтган йили 70 гектар ернинг ҳар гектаридан 50 центнер пахта етиштирган бригада бошлиғи А. Абдулаҳадов, Туркманистон ССР Саёд ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Москва» колхозининг бригада бошлиғи Х. Хидиров, Қозоғистон ССР Туркистон ишлаб чиқариш бошқармасидаги 4-пахтачилик совхозининг бригада бошлиғи З. Зиёева, Қирғизистон ССР Ленин ишлаб чиқариш бошқармасидаги Раҳмонжон номли колхознинг бригада бошлиғи Ж. Чамбоев ва бошқалар бор эди.

КПСС Марказий Комитети декабрь Пленумининг қатнашчиси, мамлакатнинг донгдор механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони В. Тюпко тингловчиларга Пленум қарорлари ва пахтакорларнинг вазифалари тўғрисида лекция ўқиди. У, Урта Осиё машина синаш станциясининг тажрибаси асосида бир қанча хўжаликларда ташкил қилинган комплекс механизация звеноларининг иши ҳақида батафсил гапириб берди. Мактабни тамомлаган кишилар яқин нелажакда далаларда ишлатиладиган машиналар билан таништирдилар, «Ташсельмаш» ва «Узбексельмаш» заводларига бордилар.

ҲАММА НАРСА ТАХТ

Ҳозир совхозимизда иш қизғин. Хўжалигимизнинг ҳар бир меҳнаткаши КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми материалларидан руҳланган ҳолда меҳнат қилмоқда. Пленум биз деҳқонлар олдига жуда кўп вазифаларни қўйди. Айниқса қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини интенсивлаштириш, фан ва илғор тажрибани, янгилигини жорий қилиш коммунистик мўл-кўлчиликни вужудга келтиришнинг муҳим шартидир.

Ана шуни яхши тушунган бўлимимиз ишчилари бир ғайратларига ўн ғайрат қўшиб ишламоқдалар. Комплекс механизацияни жорий қилиш, меҳнат унумдорлигини оширишнинг асосий омили эканлигини ҳисобга олиб, биз бир қанча тадбирларни амалга оширдик. Даставвал шуни айтиш керакки, бизда техникани сақлаш ва уни ремонт қилишга алоҳида аҳамият берилди. Ҳозирга қадар 9 ҳайдов трактори, 3 та культиватор, 18 та сеноқосилка, плуг ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари ремонтдан чиқарилди.

Шундай қилиб биз ҳозирга қадар бир қатор меҳнат ютуқларини қўлга киритдик. Бу йил ўтган йилдагига қараганда 200 гектар кўп ерга ғалла экканмиз. Ҳар гектаридан олинадиган ғалла ҳосилини ошириш учун барча чораларни кўрамиз. Совхозда бу йил трактор ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналаридан фойдаланишни ҳар қачонгидан ҳам яхши йўлга қўйиш учун курашилмоқда.

Совхоз маъмуриятининг яқиндан берган ёрдами туфайли биринчи ва тўртинчи бўлимларда техника саҳланадиган бостирма қурилди. Шундай қилиб бўлимимиз механизаторлари барча техникани кўнгламга шай қилиб қўйдилар. Ҳозирги кунда КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми кўрсатмаларини амалга ошириш учун меҳнат активлиги ҳар қачонгидан ҳам ортиб кетди.

А. ҒАФУРОВ,
1-«Оҳангарон» совхози 1-бўлимининг механиги.

МЎЛ ҲОСИЛ ТАРАДДУДИ

БАҲОРИ ДОН ЭКИШ БОШЛАНДИ

Кўклам келиши билан Узбекистонда баҳори дон экиш ишлари кенг авж олдирилмоқда. Сурхондарё ва Самарқанд областлари кетидан республиканинг пойтахт областида биринчи бўлиб Урта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги колхоз ва совхозлар экишга киришдилар. «Полярная звезда», «Северний маяк», Энгельс номли колхозлар ва бошқа хўжаликларнинг механизаторлари баҳори дон экинларини яхши намланган ерларга экмоқдалар. Дастлабки 500 гектар баҳорикор ерларга дон экилди. Бу майдоннинг ярмисига баҳори бугдой уруғи сепилди.

Юқори Чирчиқ ва Калинин ишлаб чиқариш бошқармаларининг хўжаликлари ҳам экишни бошлаб юбордилар. Яқин кунларда областнинг ҳамма ғалланорлари экишни ёппасига авж олдириб юборадилар, 150 минг гектардан ортиқ майдонга дон экиш мўлжалланади. Тошкент областида дон етиштириш бир ярим баравар кўпайтирилиб, икки юз тоннага етказилади.

КОЛХОЗЛАРДА АГРОХИМИЯ ЛАБОРАТОРИЯЛАРИ

Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Политотдел» колхозида катта агрохимия лабораторияси барпо этилмоқда. Лабораториянинг иш программасини Узбекистон олимлари ишлаб чиқди.

Бу лаборатория коллективи тупроқ таркибидаги азотли, фосфатли ва калийли моддаларнинг миқдорини ҳисобга олиб, ўғитлардан тўғри фойдаланиш методикасини белгилайди, шунингдек тупроқ қатламида қанча кўчма фосфатлар борлигини ўрганиш билан шуғулланади. Агрохимиклар тупроқ карталарини ва дала картограммаларини тузадилар, колхоздаги тупроқларнинг намуналарини тўплайдилар.

Агрохимия лабораториялари Свердлов номли, «Правда» ва бошқа хўжаликларда ҳам ишлай бошлайди.

ГЕКТАР БОШИГА 10 ТОННА КОМПОСТ

ОРЖОНИКИДЗЕ. Карл Маркс номли колхоз механизаторлари Калинин ишлаб чиқариш бошқармасида биринчи бўлиб, компост ўғитлар тайёрлаш планини бажардилар. Колхоз ўғит фабрикаси тупроқ унумдорлигини оширадиган тўрт минг тонна қимматли моддалар тайёрлаб қўйди. Ҳар гектарга 10 тонна юқори сифатли компост солинади.

Компост фабрикаси чорвачилик фермасида барпо этилди. Аралаш ўғитлар колхоз агрономи Имадижон Мунировв ишлаб чиқан рецепт асосида тайёрланади. Ҳар бир тонна гўнгга юз килограммдан суперфосфат ва 200 килограммдан тупроқ аралаштирилади. Гўнгдаги бегона ўт уруғлари тамомила йўқотилади.

Компост фабрикалари бу йил Тошкент областининг ҳамма хўжаликларида ташкил қилинди. Ҳозирнинг ўзида 288 минг тонна қимматли ўғит тайёрланди.

(УзТАГ).

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА

Мана, уч ойдирки, Урта Осиёдаги энг йирик электр станция—Тошкент ГРЭСининг биринчи агрегати коммунизмга хизмат қилмоқда. Блок щчитидаги приборлар турбогенератор ҳосил қилган дастлабки бир неча юз миллион киловатт-соат электр қувватини кўрсатиб турибди. Яқинда агрегат лойҳада кўрсатилган даражада —150 минг киловатт қувват билан ишлай бошлади.

Биринчи блок мамлакатга саноат токи бермоқда. Унинг шундоқ ёнида эса иккинчи блокни ҳам бунёд этиш ишлари жадал боряпти. Қурувчи ва монтажчилар куни кеча катта муваффақиятни қўлга киритишди. Улар иккинчи қозон агрегатини монтажлашга киришдилар, 150 минг киловатт қувватли турбогенератор ўрнатиладиган жойга пойдевор ётқиздилар.

Нурхона яратувчилар Узбекистон ССР ва республика Компартиясининг 40 йиллик тўйи шарафига зиммаларига социалистик мажбурият олишди. Иккинчи турбогенераторни шу йилнинг кузида фойдаланишга топширамиз, деб сўз беришди.

Она-Ватан бўйлаб

БИРИНЧИ КИТОБ НАШРИГА 400 ЙИЛ ТУЛДИ.

МОСКВА. Ватанимиз маданиятининг тарихидаги шонли воқеага—Россияда биринчи марта китоб нашр қилина бошлаганлигининг 400 йиллигига бағишланиб, 27 февралда Москвада Давлат тарих музейида виставка очилди.

Виставкага келган кишилар нодир китобларнинг нусхалари билан таништадилар. Булар орасида, аввало XVI асрнинг ўрталарида ёзилган «Лицевой летописной свод» деган қўлёзмани кўрсатиш мумкин. Иван Федеров ўзи нашр этган китоблар ҳарфининг нусхасини шу қўлёзмадан олган эди. Виставкада бошқа қўлёзма китоблар ҳам бор. Россияда биринчи нашр этилган асарларни бадиий безаш учун шу қўлёзмалардинг нақшларидан фойдаланилган.

Мамлакатимизда китоб нашр қилина бошланганлигининг 400 йиллигига бағишланиб, музейда илмий конференция ўтказилди.

ТОЖИКИСТОН ГАЗЛАМАСИ

ДУШАНБА. Душанба ип газлама комбинатининг янги пардозлаш фабрикаси бугун чит ва ички кийим учун ишлатиладиган газламалар ишлаб чиқара бошлади. Янги фабрика ишга туширилиши натижасида тўқимачилик гиганти нинг иккинчи навбати тўла равишда қуриб битказилди. Тожикистон тўқимачилари етти йилликнинг олтинчи йилида қарийб 75 миллион метр тайёр газлама ишлаб чиқарадилар.

Душанба тўқимачилик комбинатини кенгайтириш давом этмоқда. Ҳозир бу корхонанинг учинчи навбати қурилмоқда.

КАТТА ПЕТРОЗАВОДСК

ПЕТРОЗАВОДСК. Карелия АССР пойтахтини қайта қуришнинг эскиз лойиҳаси тайёр бўлди. «Ленгипрогор» институти томонидан 20 йилга мўлжаллаб тузилган бу лойиҳани Петрозаводск шаҳар Советининг сессияси кўриб чиқиб маъқуллади. Ўнгирма йил ичида шаҳарда умумий саҳни икки миллион квадрат метрдан кўпроқ уй-жой бинолари қуриш мўлжалланади. Бу эса, шаҳар бино бўлганидан бери ўтган 260 йил ичида қурилган бинолардан икки баравар кўп. Янги иморатларнинг 75 процента шаҳар атрофидаги ям-яшил ўрмонлар орасида бўлган бўш майдонга қурилади.

Катта Петрозаводскни қуриш ҳозир бошлаб юборилди.

ЯНГИ НЕФТЬ МАНБАЪЛАРИ

БОКУ. Озарбайжон мутахассислари меҳнат қилмаётган нефть районини топиш қийин. Ҳозир «мамлакатнинг нефть академияси» ўз мутахассислари Қозоғистондаги Манқишлоқ ярим оролида бўлган нефть манбаларини ўзлаштириш учун юбориш тараддудини кўрмоқда. Кон қудуқларини пармалаш ва ишлатиш омилкори бўлган малакали мутахассисларнинг бир группаси Манқишлоққа боради. Боку нефтчилари Қозоғистон ССРдаги «қора олтин» чиқадиган янги конларни қидириб топишда, топилган конларни ишга солишда қатнашадилар.

БАЛИҚЧИЛАРНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

ЮЖНО-САХАЛИНСК. Сахалин балиқчилари йил бошиданоқ яхши ишламоқдалар. Улар икки ойлик топшириқни ва февраль топшириғини ошириб бажардилар. Ўтган қишдагига нисбатан 52 минг центнер кўп балиқ овланди.

(ТАСС).

ЯНГИ СУВ СПОРТИ САРОЙИ

29 февраль куни Ўзбекистон пойтахтининг спортчилари учун катта спорт байрами бўлди. Бу байрам сув спорти саройининг очилишига бағишланган эди. Трибуналар кўпларча томошабинларга мўлжалланган бўлса ҳам, сузиш, сув полоси, сувга сакраш ишқивозларининг ҳаммасини сиғдира олмади.

Байрам кўнгилли жамиятлар спортчиларининг тантанали паради билан очилди. Сўнгра митинг бўлди. Бу митингни Ленин район партия комитетининг секретари В. В. Окунский очди. Ҳавза қурувчилари номидан сўзга чиққан бетончи П. С. Домбицкий йигит ва қизларга сув спортида янги муваффақиятлар тилади.

Совет Иттифоқининг чемпиони ва рекордчиси, спорт мастери Наташа Устинова, Ўзбекистон рекордчиси ва чемпиони, спорт мастери Турғун Холбоев ўз сўзларида спортчилар тўғрисида кўрсатаётган янги ғамхўрлик учун Коммунистик партия ва совет ҳукуматига миннатдорчилик билдирдилар.

Тантанали қисмдан кейин сузиш, сувга сакраш ва сув полоси бўйича мусобақалар бўлди. Бу мусобақаларда Москва, Қирғизистон ва Ўзбекистон спортчилари қатнашдилар.

(УзТАГ).

Қишлоқ хўжалиги учун

АЛМАШИНАДИГАН САҲИФАЛАР

«Тошкент ҳақиқати» газетаси алмашиниб турадиган махсус саҳифаларининг навбатдаги сони чиқди. Бугунги, якшанба сонининг 2-бети икки нусхада босилди.

Саноат ходимларига мўлжалланган: «Меҳнат зафарларимиз—республика тўйига» умумий сарлавҳаси остида берилган саҳифада Ўзбекистон КП Олмалиқ шаҳар комитетининг биринчи секретари В. Муҳамедовнинг «Олмалиқ химияси», Б. Аксанин, А. Куртвелиев ўртоқларнинг «Завод маркаси —меҳнатимиз ойнаси», «Ташсельмаш» заводининг инженер технологи Ж. Умаровнинг «Пахтачиликка янги машиналар етказиб берамиз» ҳамда штатсиз мухбиримиз Б. Мирзааҳмедовнинг «Қоғозда бор-у амалда йўқ» сарлавҳали материаллари ва бошқа хабарларни ўқиш мумкин.

Қишлоқ хўжалик ходимларига мўлжалланган саҳифада эса «Юксалаётган хўжалик», «Колхоз бойлигининг жонкуярлари», «Яхши уруғ — ярим ҳосил» сарлавҳали материаллар ва бошқа турли хабарлар босилган.

МАРТ—БАҲОР. ДАЛАЛАРГА ОТЛАНИНГ!



Тошкент авиаторлари яхши ташаббус бошлаб, химиявий ишларда хизмат қиладиган қишлоқ хўжалиги авиацияси учун авиомеханиклар тайёрловчи 6 ойлик курс ташкил қилдилар. Курсда машғулотлар мунтазам ўтиб турибди. Суратда: Нукус, Андижон, Фарғона, Самарқанддан келган бир группа бўлажак ёш авиомеханиклар самолёт мотори билан танишаяптилар. Машғулотни авиконструктор ўртоқ Г. В. Филатов олиб боряпти.

В. Кирияцкий фотоси.

ЮКСАЛАЁТГАН ХЎЖАЛИК

Калинин бошқармасидаги «Ўзбекистон» колхози ҳақида кейинги вақтларда ана шундай гапларни эшитадиган бўлиб қолдик. Дарвоқе яхши гапнинг қаноти бор деганлари шу-да. Лекин оғиздан эшитган бошқа-ю, бориб ўз кўзинг билан кўрган бошқа экан.

Колхозда бўлдик. Хўжаликнинг ҳаёти, экономикаси, қўлга киритилган меҳнат ғалабалари билан танишдик, ишлаб чиқариш илғорлари билан суҳбатда бўлдик.

— Сабзавот-полизчилик, боғдорчилик ҳамда чорвачилик хўжалигимизнинг асосий тармоғидир, — дейди колхоз раиси ўртоқ Турғун Мирзаев. — Коллективимиз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни йилдан-йилга ошириб бориш йўлида самарали кураш олиб бораяпти. Экинлар ҳосилдорлигини тинмай кўтариш колхоз даромадининг асосий манбаидир.

— Колхозчиларимиз меҳнат кунларига яхши ҳақ олишаяпти. 1962 хўжалик йилида ҳар меҳнат кунига 2 сўм 58 тийиндан пул ва сабзавот маҳсулотлари берилди. Колхознинг 1963 йилги умумий даромади ҳам чакки бўлмади. Колхозчиларимизнинг ишлаган ҳар бир меҳнат кунига 1962 йилдагига қараганда анча кўп пул тақсимланди.

Ҳақиқатан ҳам раис айтганча бор. Колхозчиларнинг моддий турмуш шароити йилдан-йилга яхшиланиб бораяпти. Моддий манфаатдорлик бор жойда ишнинг олдинга босиши табиийдир. Хўжаликда эришлаётган катта ютуқлар боиси ҳам ана шу туфайлидир.

Кўкламги об-ҳаво қийинчиликларига қарамай, колхозда ўтган йили барча қишлоқ хўжалик экинларидан баракали ҳосил етиштирилди. Умумий ҳосилдорлик олдинги йиллардагига қараганда бир неча центнерга ошди. Ўтган мавсумда картошка ҳосили айниқса яхши бўлди. Барча майдондаги картошканинг ҳар гектаридан 148 центнердан, жами 4141 тонна ҳосил йиғиб олинди.

Сабзавот экинларидан ҳам мўл ҳосил етиштирилди. Ҳосилдорлик ҳар гектар бошига 241 центнердани ташкил қилди. Йиғиб олинган жами сабзавот маҳсулотлари эса 3915 тоннага етди. 1, 2, 3, 6 ва 8-бригадаларда қўлга киритилган ютуқлар янада қувончли бўлди.

Колхознинг умумий муваффақиятида шунингдек чорвадор ва мириқкор боғдорларнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Айниқса чорва моллари маҳсулдорлигини ошириш ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришда яхши натижаларга эришилди. Колхоз бўйича давлатга сут ва гўшт топшириш 1963 йил планлари ошириб ado этилди. Колхозда қорамоллар сони анча ортди. Соғин сигирлар сони эса ҳозироқ 225 бошга етди. Фермада сигирлар «тандем» усулида соғиляпти. Шу усулда сигир согаётган Минаввар Исоқова ва Ҳабиба Шормирзаевалар ўз боқимларидаги соғин сигирлардан мўлжалдагидан анча ошириб сут соғиб олишга эришяптилар.

Моллар қишловига ҳам пухта ҳозирлик кўрилди, мустаҳкам емхашак базаси яратилди. Бу ишлар учун белгиланган хўжалик плани 140 процент қилиб бажарилди.

Эришилган муваффақиятларни мустаҳкамлаб қолиш учун кураш давом этмоқда. Ҳозир колхозчилар ва механизаторлар ер ҳайдаш, ўғитлаш, ҳосилни ўз вақтида экиш ишларини пухта ташкил қилишга киришдилар. Ҳар бир механизатор ва бригада учун ишлаб чиқариш планлари белгиланди. Колхоз раиси Турғун Мирзаев ва партия ташкилоти секретари Ҳамро Жумаев ҳар бир механизатор ва бригада ишини кундалик назорат қилиб боришяпти.

Ҳозирги кунда колхозда 1964 йилги ҳосилни мўл қилиш учун ҳамма имкониятлар бор. Ҳамма гап ана шу имкониятлардан тўла фойдаланишга боғлиқ.

«Узсельхозтехника»нинг Оққўрғон район бирлашмаси устахонаси коллективи социалистик мусобақани авж олдириб, барча қишлоқ хўжалиги техникаси ремонтини шу яқин кунлар ичида тугаллаш учун курашаяпти. Устахонада Оққўрғон бошқармасидаги хўжаликларнинг энг яхши механизаторлари ҳам ишлашаяпти. Суратда: «Октябрь 40 йиллиги» колхозининг трактористи Илёс Эшболтаев пахта сеялкаси ремонтини тугаллаяпти. У ўз топшириғини мунтазам 150—180 процент адо этади.



ЯХШИ УРУҒ—ЯРИМ ҲОСИЛ

Кекса деҳқонларимиз азалдан уруғликка катта баҳо бериб келганлар. Улар «Яхши уруғ — ярим ҳосил», «Уруғнинг сараси — ҳосилнинг баракаси» деб таърифлашади. Ҳақиқатдан ҳам уруғни экишдан олдин саралаб, дорилаб қўйиш экиш-тикиш ишларини муваффақиятли ўтказиш, тўла гектар ҳосил қилиш омилларидан бири. Янгийўлдаги пахта заводи ишчилари билан бирга пахта пунктининг ходимлари ҳам мириқкор деҳқонларга чигитни тайёрлаб беришдек шарафли вазифани бажаришяпти.

Пунктда пахта заводидан келтирилган чигит махсус аррегат ёрдамида мис трихлорфенолят билан дориланиб, сўнгра жойлардаги пахта пунктларига жўнатилади. Кўриниб турибдики, бу ерда ҳам муъжизакор химия пахтакорлар хизматида. Бундай химикат билан ишланган чигит ҳашаротларга чидамли бўлади. У ердан тез кунда бехато униб чиқиб, гоммоз ва илдиз чириш касалликларига чалинмайди.

Пункт коллективи ўз зиммасидаги вазифани шараф билан адо этяпти. Шу кунгача 1500 тоннага яқин чигит дориланди. Бу, графикда белгиланганидан 150 тонна кўпдир. Тайёрланган чигит Свердлов «Халқобод», «Шўралисой», «Пахта» ва Тельман номли пахта пунктларига жўнатиляпти.

Миришкор пахтакорларни мўл «оқ олтин» уруғи билан таъмин этиш иштиёқида меҳнат қилаётган пункт ишчилари ҳузурида бўлдик. Бу ерда жўшқин ҳаёт, завқли меҳнат ўкумрон. Ҳаммасининг мақсади бир — пахтакор дўстлар дорилаб жўнатилаётган чигитдан хурсанд бўлсин!

Мана, чигит дориланаётган жой. Ўнг томондаги майдончада газ — 51 машинаси турибди, кузови чигитга тўла. Чигит машинадан транспортер ёрдамида кундаланг транспортерга узатиляпти. Чигитни транспортер лентасига солиб бераётган йигит Ҳошим Раҳмонқулов жуда сергак. У транспортернинг чигитни бир меёрда узатиб туришини таъминлаяпти. Кўндаланг транспортердан «оқиб» келаётган чигит айланма барабанга келиб тушаётир. Бу ерда чигит мис трихлорфенолят билан аралашади. Дориланган чигит тарнов орқали пастга тушади. А. Тўрабеков, М. Низомиддинова, У. Тошматова каби чаққон ишчилар дориланган чигитни пешма-пеш қоғоз қопларига жойлаб, транспортер орқали машинага узатадилар.

— Дорилашда уч смена ишлаб турибди, — дея гап бошлади чигитни дорилаб жўнатиш товароведи ўртоқ Ғулом Ўрозхўжаев. — Уч сменада уч бригада ишлайди. Бу бригадаларга А. Тўрабеков, А. Аҳмедов ва Т. Ҳидоятов ўртоқлар раҳбарлик қиляптилар. Ҳар сменада 50—60 тонна чигит дориланмоқда. Ҳозирча Т. Ҳидоятов бошлиқ бригада пешқадамлик қиляпти.

Пункт ишчилари март ойи охиригача 1900 тонна чигитни дорилаб беришлари керак. Лекин улар планни барвақт бажариш мажбуриятини олиб астойдил меҳнат қилаётирлар. Пунктдаги иш чи ва хизматчиларнинг ғайрат ва шижоати планнинг барвақт бажарилишидан далолат бериб турибди.

К. ШУКУРОВА,
О. ТИЛОВБЕРДИЕВ.

КОЛХОЗ БОЙЛИГИНИНГ ЖОНКУЯРЛАРИ

Кичик хонада бир неча киши чўт қоқиб, дафтар титкилаб, бир-кўзини иккинчи қоғозга солиштириб ўтиришибди. Уларни ишлаб чиқариш бошқармасининг бош агрономи ўртоқ Комилжон Содиқов: «бизнинг посбонларимиз», деб атади. Лекин уларни кўрган кишилар нимаси посбон, булар нимани ҳам қўриқлардилар, чўт қоқиш ҳам қўриқлашми, деб айтишлари мумкин. Ҳа, чўт қоқиш ҳам, ҳужжатларни бирма-бир текшириш ҳам, колхозлардаги ишни, тартибни, ерларни, экинларни, қолаверса чорваларни текшириш ҳам посбонликдир, колхозчилар ва давлат манфаатини ҳимоя қилишдир.

Бўка ишлаб чиқариш бошқармаси қошидаги колхоз ишлаб чиқаришининг экономикаси ва ташкил қилиш бўлими ҳам худди шу мақсадда иш олиб боришга ҳаракат қилмоқда. Ишонч ҳосил қилиш учун мана бу фактларга бир назар ташланг:

Ильич номли колхозда Юнус Дадаев, деган киши бор. У сўнгги вақтларгача колхозда ишлаб топган даромади ҳисобига эмас, кўпроқ томорқа ҳисобига кун кўриб келди, колхознинг 1,39 гектар ерига ўзининг шахсий эҳтиёжи учун экин экиб фойдаланиб юрган. Хўш, колхоз уставига хилоф ҳаракат қилиб келган бундай кишилар бу хўжаликда ягонами? Мана шу масала билан колхоз ишлаб чиқаришининг экономикаси ва ташкил қилиш бўлими шуғуллана бошлади. Бўлимнинг бош инспектори ўртоқ Тўхтабой Умиров далама-дала кезди, томорқаларни ўлчаб аниқлаб чиқди. Натижада шу колхознинг ўзидагина 63 гектар ер томорқа учун ортиқча бериб келинганлиги, шундан 16 гектарига шоли экилгани, бу эса колхозда меҳнат интизомини бўшаштириб юборишга, колхоз Уставининг бузилишига сабаб бўлганлиги аниқланди.

Колхозда ўтказилган умумий мажлис юз бериб келган бу ҳолни қатъий қоралади. Мажлисда ортиқча томорқаларни умумлаштиришга, ундан чиқадиган барча ҳосилни колхоз омборига топширишга қарор қилинди.

Ҳамза номли колхозда бошқача ходиса содир бўлди. Бу ерда ўтган йили 97 гектар ерга шоли экилган эди. Ҳосилни йиғиб олиш вақтида колхоз правлениеси томонидан олинадиган ҳосилни аниқлаш учун махсус комиссия тузилди. Бу комиссия ҳар гектар шолипоядан 20,5 центнердан ҳосил йиғиб олишни белгилади. Бу эса далаларда ҳақиқий аҳволга сира мос келмас эди. Шунинг учун бошқарма колхоз ишлаб чиқаришининг экономикаси ва ташкил қилиш бўлими бу вазифани ўз зиммасига олди. Шолиқор ерлар бирма-бир текширилди. Ҳосилдорлик аниқ белгилаб чиқилди. Даладаги ҳосил йиғилаётган пайтда колхоз ревизия комиссияси назорат қилиб турди. Натижада ҳар гектар ердан бўлим томонидан белгиланганича 30,9 центнердан ҳосил олингани маълум бўлди. Бўлимнинг бу фаолияти билан Ҳамза номли колхозидаги баъзи кишиларнинг жиноятга қадам қўйишдан сақлаб қолинди ва колхоз омборига белгиланганидан 100 тонна кўпроқ шоли тўкилди.

Ҳамза номли колхозда ўтказилган бу тадбир бошқа колхозлар ишига ижобий таъсир қилди. Юз бериши мумкин бўлган қинғирликларнинг олди олинди. Баъзибир ўзининг шахсий манфаатини кўзлаб ҳаракат қиладиган ҳарамтомоқ кишиларнинг пайи қирқилди. Кўп жойларда колхозда етиштирилган ҳосилга ҳалол муносабатда бўлиш хисси тобора кучайиб бормоқда. Бунга ўтган йили «Гулистон» колхозида 63 гектар ерга экилган шолининг ҳар гектаридан 63 центнердан ҳосил йиғиб олингани ва юқори кўрсаткичга эришилгани яққол мисол бўлаолади.

Бўка ишлаб чиқариш бошқармасига қарашли хўжаликларда илгаридан давом этиб келган колхоз уставига хилоф ҳаракатларга ўтган йили катта зарба берилди. Қатъият ва дадиллик билан ўтказилган текширишлар кўп хўжаликларда ортиқча томорқа бериб келинганини, бу ҳол колхоз ишлаб чиқаришига салбий таъсир кўрсатганлигини, меҳнат интизомини бўшаштириб юборганлигини, баъзи кишиларни эса колхоз ишлаб чиқаришидан кўра кўпроқ томорқага қизиқиб қолганлигини аниқлаб берди. Шу туфайли колхозларнинг кўпгина унумдор ерлари талон-торож қилинган. Масалан, «Ленинизм» колхозида 42 гектар, «Партия XX съезди» колхозида 40 гектар, Свердлов номли колхозда 52, «Ленин йўли» колхозида 19 гектар, умуман бошқарма бўйича 498 гектар ер томорқа учун ортиқча берилиб талон-торож қилинган. Бу ғайри-қонуний ҳаракатга хотима бермай туриб, колхоз хўжалигини мустаҳкамлаш мумкин эмас эди. Колхоз ишлаб чиқаришининг экономикаси ва ташкил қилиш бўлими томонидан аниқланган бу фактларга мувофиқ ишлаб чиқариш бошқармаси ва партия комитети бу соҳада жиддий кураш бошлади. Томорқа учун берилган 498 гектар ортиқча ер колхозлар ихтиёрига ўтказилди. Бу ерлардан чиққан барча ҳосил колхоз омборига топширилди. Шундай қилиб колхозлардаги Уставга хилоф ҳаракатларга чек қўйила бошланди.

Баъзан колхозларда правление атрофида юрган, гўё актив бўлиб кўринган айрим кишилар ғайри қонуний равишда меҳнат бадалидан ортиққа пул олаберадилар. Айрим очиқ қўл колхоз раҳбарлари уларга ҳиммат қиладилар. Аммо бундай кишилар ўз вақтида олган пулларини колхозга қайтариб бермайдилар. Шунинг натижасида сўнгги вақтларда колхозлардаги дебиторлар кўпайиб кетган. Колхоз ишлаб чиқаришининг экономикаси ва ташкил қилиш бўлими бу ҳолга қарши кескин кураш бошлади. Ҳамза номли колхозда Қосим Жўраев меҳнат бадалидан ортиқ 510 сўм қарз олиб, кўп вақтдан бери тўламай келган. «Партия XX съезди» колхозида Ҳамро Жумаев ҳам 450 сўм қарзини узмай юрган. Кейинги вақтларда ҳудди шу каби кишилардан колхоз маблағларини ўз жойига қўйиш қатъий талаб қилина бошланди. Шунинг натижасида ўтган йили бошқармадаги барча колхозларда қарздорлардан 450 минг сўм пул ундириб олинди. Бу колхоз экономикасини мустаҳкамлаш, колхоз Уставига хилоф ҳаракатларга хотима бериш йўлида катта қадам бўлди. Колхозда меҳнат бадалидан ташқари қарз бериш каби нотўғри аҳволга қатъий чек қўйилди.

Колхоз экономикасини мустаҳкамлаш тадбирлари бу билан чекланмайди. Бу соҳадаги энг муҳим тадбирлардан бири ҳар қандай ортиқча сарф ҳаражатларга йўл қўйилмаслик, махсулот таннархини камайтириш йўли билан колхозчиларга тўланадиган иш ҳақини ошириш жуда катта аҳамиятга эгадир.

— Ҳозирги шароитда, — дейди бўлим бошлиғи ўртоқ Мирзақул Бобоев, —колхозчиларнинг моддий манфаатдорлигини кўзда тутиб ишлаш қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда жуда катта аҳамиятга эга. Бўлим ходимлари ҳамиша мана шу марказий масалани назарда тутиб ишламоқдалар.

Бу қуруқ гап эмас. 1963 йилда бошқармага қарашли хўжаликлардаги идора ходимларининг сони 1109 кишига етар эди. Шундан йил охиригача 125 киши қисқартирилди. Лекин бу ортиқча штатлар қисқартирилгани билан иш тўхтаб қолмади. Қайтага ҳар йилгидан кўра иш яхши олиб борилди. Бундан ташқари шу қисқартирилган штатлар ҳисобига колхозлар 76 минг 146 сўм пулни тежаб қолдилар.

Маълумки, колхозларда бўлар-бўлмас майда ҳаражатлар кўп бўлади. Колхоз ишлаб чиқаришининг экономикаси ва ташкил қилиш бўлими ходимлари бунақа нарсага тамомила қаршилар. Улар буни қаттиқ назорат қилиб турадилар. Шунинг учун ўтган йили биргина Охунбобоев номли колхозда ортиқча ҳаражатларга йўл қўйилмагани сабабли ишлаб чиқариш ҳаражатларидан 10 минг сўм тежаб қолинди. Аммо бу ҳосилдорликка путур етказмади. 1962 йилда бир меҳнат кунига 2 сўм 96 тийин берилган бўлса, 1963 йилда ҳарбир меҳнат кунига 4 сўм 5 тийиндан тўланди. Ортиқча ҳаражатларни қисқартириш колхозчилар даромадини кўпайтиряпти.

Хонада яна бўлим бошлиғи Мирзақул Бобоев, бош инспектор Тўхтабой Умиров, бош ревизор Тўрисхон Эрсимбетов ва бошқа ўртоқлар чўт қоқиб, қоғозларни-қоғозларга солиштириб ўлтиришибди. Улар яна колхоз Уставига мувофиқ халқ мулкини қўриқлаш тадбирларини кўрмоқдалар.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

ТАШАББУСКОР ОТАХОН

Ўша куни колхоздан севиниб қайтдик. Айниқса Иброҳим ота билан ўтган қисқа учрашувимиз хотирада абадий қолди. Ўзиям қизиқчи одам экан. Нақ ичак узилди-да...

— Ўғилларим, мен бу ишга қўл урганимда «чол-е, партинг кетиб шартинг қолганда сенга не азоб» деганлар ҳам бўлди. Лекин мен уларнинг ҳеч бирига оғир гап, демадим. Фақат ўзимни меҳнатда кўрсатиб, айтганларига пушаймон қилишни кўнглимга тугиб қўйдим...

Кунлар кетидан кунлар, ҳафталар, ойлар ўтиб ғалвирни сувдан кўтариш пайти ҳам келиб етди. Натижа мен ва звеномиз аъзолари ўйлагандан ҳам зиёда бўлиб чиқди. Гектаридан 41 центнердан «оқ олтин» дурдонаси йиғиб олдик.

Отанинг қўлларини қувонч билан маҳкам сиқдик ва бу йилги режаларингиз қандай, деб сўрадик.

Ота бу саволга колхоз правлениеси ва партия ташкилотига ариза бериб, ўтган йилги 20 гектар майдонга бу йил яна 15 гектар ер қўшиб олганлигини ва гектаридан 60 центнердан пахта ҳосили етказиб беришга сўз берганлигини тўлқинланиб гапирди.

— Ерни тўйдирсанг сени тўйдиради, фарзандларим, дейди ота, — шуннинг учун биз ҳозирги кунларда мавжуд майдонларга етарлича ўғит солдик. Энди вазифамиз ерларни чигит экишга ҳар томонлама тахт қилиб қўйиш.

Колхозда ажойиб ташаббус бошлаган, 63 баҳорни кўрган Иброҳим ота Лутфуллаев бошлиқ звено аъзоларининг ишини ҳар қанча мақтасанг, уларга таҳсинлар ўқисанг оз. Миришкорлар ҳозирги ҳар бир кунни олтиндек қиммат билиб, жавлон уришаяпти.

И. СУЯРҚУЛОВ.
Оққўрғон. «Октябрь 40 йиллиги» колхози.

ИШ БОШИДАН ПУХТА БЎЛСИН

Ўрта Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги Свердлов номли колхоз пахтакорлари ўтган қишлоқ хўжалиги йилини кўнгилдагидек якунлай олмадилар. Пахта тайёрлаш юзасидан берилган йиллик план тўла адо этилмай қолди.

Колхоз правлениеси ва партия ташкилоти ўтган йилги камчиликларнинг такрорланмаслиги учун бу йил бирмунча муҳим тадбирларни амалга оширди. Колхозда бешта тюпкочи ёшлар бригадаси тузилди. Айрим бригада бошлиқлари ўзгартирилиб, уларнинг ўрнига деҳқончиликда бой тажриба орттирган, коллективга тўғри раҳбарлик қилаоладиган кишилар тайинланди.

Шонли етти йилликнинг олтинчи йили ҳосили учун кураш ўтган йилнинг кузиданоқ авж олди. Ғалла етиштиришни кўпайтириш мақсадида хўжаликда 280 гектар яғни ер ўзлаштирилиб, жами 865 гектар майдонга барвақт куздги дон сепилди. Яна 535 гектар ладми ер массиви баҳорикор дон экиш учун тайёрлаб қўйилибди. Колхоз галлакорлари яқин кунлар ичида ана шу майдонларда ғалла экишга киришадилар.

Вақт-соатида бошланган ҳаракатда барака катта, дейди мириқкор деҳқонларимиз. Хўжалик аъзолари йил бошиданоқ ана шунга амал қилиб, ишга киришдилар. Бу йил мўл «оқ олтин» ҳосили етиштириш учун ажратилган 1100 гектар майдон эрта чуқур шудгорлаб қўйилди. Шудгорлаш олдидан майдонларга суперфосфат солинди. Шу кунларда экин майдонлари иккинчи марта ҳайдалаяпти. Бу тадбир ёввойи ўт илдизларини йўқотиш мақсадларида қилиняпти. Ҳозиргача 500 гектардан зиёд майдон қайта шудгорланди.

Колхознинг ремонт устахонасида иш қизғин бораяпти. Ҳозиргача асосий техника ремонти ишлари тугаллаб қўйилди. 37 трактор, 210 та борона, 30 та ХВС-1,2 терим машинаси, 13 та плуг, 22 та сеялка, 41 та прицеп ва 36 та культиваторнинг ярмидан кўпроғи сифатли ремонтдан чиқарилди. Бу ишлар албатта яхши. Лекин колхозда кўнгилни хира қиладиган камчиликлар ҳам бор. Устахонада ремонт қилинган техника очиқ ҳавода, қор-ёмғир остида ётибди. Қишлоқ хўжалиги техникасини сақлаш учун қурилаётган парк-нинг замини олинди-ю, қолган ишга қор ёғди. Шунингдек, дала бошларига маҳаллий ўғит ташиб чиқариш ишлари ҳам кўнгилдагидек эмас. 13 бригада ерига бу йил ҳар гектар ҳисобига 10 тоннадан жами 11 минг тонна маҳаллий ўғит ташиб чиқарилиши керак. Бу ишларга 7 та от-арава, 3 та юк машинаси ва бирнеча трактор прицепи ажратилди. Аммо суръат паст.

Ҳар гектар ердан камида 26,4 центнердан хирмон кўтаришга бел боғлаган пахтакорлар бу йил она Ватанга 2900 тонна «оқ олтин» етказиб беришлари керак. Шундай экан, колхоз раҳбарлари ишдаги сусткашликка ҳозирдаёқ қатъий чек қўйишлари, ғанимат дамлардан унумли фойдаланиб, кўкламга тайёргарликни ҳар тарафлама кучайтириб юборишлари лозим.

И. РУСТАМОВ.

МОҲИР ЧЎПОН

Юқори Чирчиқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммуна» колхозининг аъзолари ўртасида илғорлар ҳақида гап кетганда ўртоқ С. Муҳиддиевнинг ҳам номини ҳурмат билан тилга оладилар. Бу бечиз эмас албатта. Моҳир чўпон бундай ҳурматга кўп йиллардан буён ҳалол меҳнат қилаётгани, совлиқлардан кўплаб қўзи олаётгани туфайли эришди.

Моҳир чўпон ўтган йили ҳар юз совлиқдан 115 бош қўзи, 3.900 граммдан жун қирқиб олди. КПСС Марказий Комитети февраль Пленумининг қароридан руҳланган С. Муҳиддиевоев бу йил ҳар юз совлиқдан 120 бош қўзи, 4 килограммдан жун олиш учун курашмоқда.

Т. РУЗИМАТОВ,
М. ТУРСУНОВ.

ҚИЗИҚАРЛИ СЕМИНАР

В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пахтачилик илмий-тадқиқот институти ва унинг жойлардаги тажриба станциялари илмий ходимларининг суғориш ишлари тажрибалари, агрохимик тадқиқотлар, илмий иш методларини аниқлаб олиш каби масалаларга бағишлаб ўтказилаётган семинари салкам бир ойдан бери давом этаяпти. Семинар машғулотлари тўрт потокка бўлиб олиб борилаяпти. Машғулотлар мазмундор ўтиб, уларда жами 92 илмий ходим қатнашаяпти.

Семинарнинг шу кунгача ўтган машғулотларида СоюзНИХИ директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари П. М. Меднис «КПСС Марказий Комитетининг февраль Пленуми ва қишлоқ хўжалиги фанининг вазифалари», қишлоқ хўжалиги фанлари доктори В. П. Протасов «Агрохимия масалаларига доир», қишлоқ хўжалиги фанлари кандидатлари А. Ф. Скрябин «Экин майдонларини суғориш методлари», В. Н. Кондратюк «Ғўзаларни озиқлантириш ва парваришлаш», М. В. Легастаев Шўр ерларни суғориш, М. А. Белоусов, М. А. Лозоватская, Р. А. Краснохова, З. С. Сдвиженская, С. А. Гилдиев ўртоқлар дефолиантларни қўлланиш, уруғчилик ва шу каби бошқа мавзуларда қизиқарли лекциялар ўқидилар.

— Семинар, —дейди микробиология лабораториясининг мудири ўртоқ Н. Л. Тороишкина, —институт илмий ходимлари ўртасида илмий-тадқиқот ишларини тўғри олиб боришни яхши йўлга қўйишда катта аҳамиятга эга. Бу семинарнинг ижодий ходимларимиз илмий ишига катта фойда бериши шак-шубҳасиз.

Семинар машғулотлари давом этаяпти. Ў тўртинчи мартда ўз ишларини якунлайди.

Н. ҲИКМАТУЛЛАЕВ.



Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Қизил Октябрь» колхози аъзолари кўкламга пухта ҳозирлик кўришаяпти. Хўжаликда техника барвақт ремонт қилиб қўйилди, дала бошларига 2 минг тоннадан зиёдроқ турли ўғитлар ташиб чиқарилди. Бу йил 838 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32 центнердан «оқ олтин» йиғиб-териб олишга аҳду-паймон қилган пахтакорлар курашни қизғин давом эттираяптилар. Суратда: колхознинг бош агрономи Абдулла Азаматов ва бригадир Расул Исоқов ўртоқлар техника экишга қандай тайёрлаб қўйилганлигини кўздан кечирмоқдалар.

Қ. Розиқов фотолари (ЎзТАГ фотохроникаси).

Қишлоқ хўжалик САҲИФАСИ

ХАЛҚ ПОСБОНЛАРИ

ЭРТАГА ХАЛҚ ДРУЖИНАЧИЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИГА 5 ЙИЛ ТЎЛАДИ

КЎМАКДОШЛАРИМИЗ

Оҳангарон фақат областимиздагина эмас, балки республикамизда ҳам саноати ва қурилиши барқ урган шаҳарлардан бири ҳисобланади. Шаҳар меҳнаткашлари етти йилликнинг олтинчи йили топшириқларини шараф билан бажариш учун курашни ҳозирданоқ қизитиб, ажойиб натижаларни қўлга киритмоқдалар. Шу йилнинг ўтган икки ойи давомида «Средазуголь» комбинатига қарашли 9-шахта, марказий ремонт заводи, кўмир разрези, ер ости гази станцияси сингари қатор корхоналар айниқса яхши ишлаб, планни ортиғи билан ado этишга муваффақ бўлдилар.

Партия Программасида коммунизмнинг моддий-техника базасини яратиш билан бир қаторда янги кишини тарбиялаш масаласи ҳам олдинга сурилади. Модомики шундай экан, бизнинг зиммамизда кишиларимизнинг коммунистик онгини ошириш, орамизда кам бўлса ҳам учраб турадиган баъзи текинхўр, ишёқмаслар, умуман жамоат тартибини бузувчи ишқилмларга қарши курашни бир дақиқа ҳам бўшаштирмай, уларнинг жамиятда ўз ўрнларини кайта тиклаб олишларига хар томонлама ёрдам кўрсатиш вазифаси турибди. Ўтган беш йиллик ҳаётий тажриба шуни кўрсатдики, жамоат тартибини сақлашда, ишлаб чиқаришнинг кўзга кўринган вакиллари —кўнгилли халк дружиначилари катта поль ўйнадилар. Улар ўз касбдошлари, ёрибородарларининг ҳалол меҳнатдан кейин ҳавф-хатарсиз маданий хордиқ чиқаришларини таъминладилар, аҳоли яшайдиган пунктларда жамоат тартибини сақлашга хисса қўшдилар.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1959 йил 2 мартдаги «Жамоат тартибини сақлашда меҳнаткашларнинг иштирок этиши тўғрисида»ги қарорида жамоат тартибини бизувчилар билан фақат маъмурий органларгина эмас, ҳатто кенг меҳнаткашлар оммаси ҳам актив кураш олиб бориши кўрсатиб берилган эди. Бу қарор Оҳангарон меҳнаткашларининг ҳам сиёсий активлигини ошириб юборди. Ана шу мақсад билан шаҳарда жамоат тартибини сақлаш учун 43 халқ дружина штаби ташкил қилинди. Уларга 2 мингга яқин дружиначи аъзо бўлиб кирган. Билардан 609 кишн коммунист. 842 кишн комсомол аъзоси ва 343 дружиначи хотин-қизлардандир. Би халқ дружиначиларига шаҳар штаби рахбарлик қилади. Дружиначилар милиция ходимлари билан бир сафда туриб, такасалтанг безорилар, фойдали иш билан шуғулланмай, жамоат тартибини бузаётган айрим шахсларни тўғри йўлга тушиб олишида кўмак бердилар.

Айниқса 9-шахта дружиначиси коммунист Леонид Надкин, шахта бош механигининг ёрдамчиси коммунист Абдулла Мирсоатов ўртоқларининг қилаётган ишлари ҳар канча мақтаса арзийди. Бу ҳушёр дружиначилар бир неча хавфли жиноятни топишда милиция ходимларига актив ёрдам кўрсатишди. «Энергенторг» ишчиси, безори Э. Вагнер кечки пайтларда танца майдонларида маданий дам олаётган хотин-қизларнинг кийимларига ҳар хил бўёк суртиб, уларга тинчлик бермасди. Дружиначилардан А. Чекурина, Р. Қосимова, В. Самушенкова ўртоқлар бу безорини тез кунда қўлга олдилар. Жиноятчи Вагнер ўз қилмишига яраша Оҳангарон халқ суди томонидан тегишли жазосини олди.

Шунингдек кўпгина дружиначилар жамоат тартибини сақлаш билан бирга оилавий жанжалларни ҳам текшириб, тинчитиб кўйишда кўлга кўринарли ишлар қилаётирлар.

9-шахта кон ишчиси О. Адиматов, шахтанинг иккинчи участка бошлиғи И. П. Барабаш, контехника билим юрти дружина командири М. Эшмуҳамедов сингари актив дружиначилар жамоат тартибини сақлашдаги жанговар хизматлари учун Ўзбекистон ССР жамоат тартибини сақлаш министрлигининг фахрий Ёрлиғи, юк ортиш-транспорт бошқармаси партия ташкилотининг секретари Нина Ивановна Огаркова, шаҳар электр тармоғи партия ташкилотининг секретари В. Осминко, Оҳангарон ГРЭС ишчиси В. Лисенко сингари кўплаб дружиначилар Тошкент область партия комитети ва область ижроия комитетининг мактов ғоозлари билан мукофотландилар.

Шуни қувонч билан эслатиб ўтиш керакки, кўнгилли халқ дружиначилари актив иш олиб борган жойларда жиноий ишлар, жамоат тартибини бузиш ҳоллари кескин равишда камайди. 9-шахта кўмир разрези ва юк ортиш, транспорт бошқармаси дружиначиларининг яхши ишлашлари туфайли кейинги йилларда шахтер посёлкасида жамоат тартиби анча яхшиланди. Шу сабабли ҳам шахта навалоотбойчилари Мирғазизов, Гариев, кон устини очиш разрези механика цехининг электриги Коменко, кон мастери Хожиматов каби дружиначи ўртоқларнинг номи, айниқса, посёлка жамоатчилиги учун қадрли бўлиб қолди.

Шаҳар партия комитети, шаҳар Совети ижроия комитети ва шаҳар комсомол комитети халқ дружиначилари фаолиятини янада яхшилаш тадбирларини белгилаб чиқмоқда. Шу мақсад билан шаҳар марказида «Тимсоҳ шаҳар бўйлаб бормоқда» сатирик газета ташкил қилинди. Унда безорилар, фойдали иш билан шуғулланмай юрувчи текинхўрлар суратга олиниб, жамоат ўртасида шармандаю-шармисор қилинади.

Бугун, кўнгилли халқ дружиначилари ташкил қилинган кунга беш йил тўлишини нишонлар эканмиз, жамоат тартибини сақлашда актив кўмакдошларимиз— дружиначилар ишини янада яхшилаш учун барча чораларни кўрамиз.

А. ҒУЛОМОВ,
Оҳангарон шаҳар партия комитетининг секретари.



ЭЛ ХИЗМАТИГА ТАЙЁРМИЗ

Коммунистчасига яшаш ва меҳнат қилиш учун курашаётган совет халқи янги-янги ютуқларни қўлга киритмоқда. Ҳали ҳам давлат мулкини талон-торож қилиб, совет кишиларининг фаровонлигини бузувчилар онда-сонда учраб туриши кишини ачинтиради. Бундайларга қарши кескин кураш олиб бориш кенг жамоатчиликнинг бурчидир.

Тошкент шаҳар Октябрь район ижроия комитети ташаббуси билан районда ишдан ажралмаган ҳолда давлат органларига яқиндан ёрдам беришни кучайтириб жамоатчилик асосида участка вакилларн ташкил қилинди.

Мени ҳам Октябрь район ижроия комитетининг сессиясида жамоатчи участка вакили қилиб тасдиқладилар. Шу кундан бошлаб райондаги «Октябрь 40 йиллиги», Абдулла Набиев «Чимбой», «Пахта» ва «Иттифоқ» маҳаллаларининг участка вакили, милиция лейтенанти Маҳмуджон Зуфархонов территориясида жамоатчилик асосида ишлай бошладим. Қисқа вақт ичида маҳалла аҳолиси билан танишиб чиқдим. Ўртоқ М. Зуфархонов билан биргаликда, айрим кезларда эса якка ўзим маҳаллалардаги паспорт режими бўйича текшириш ишлари олиб бордим ва режимни бузувчиларни огоҳлантириб, паспорт ва прописка муддатини тўғрилашни талаб қилдим. Акс ҳолда штраф тўлашларини ҳам айтдим. Айни бир вақтда жамоат тартибини бузувчиларга қарши кураш олиб бораяпман.

«Чимбой» маҳалла территориясидаги Аброр Ҳидоятов номли кўча 6-уйда истиқомат қилувчи Н. О. Знаменский кейинги кезларда тез-тез ичиб, тўполон қиладиган, қўни-қўшнилар тинчлигини бузадиган бўлиб қолди. Бир неча марта берган танбеҳларим фойда бермади. Протокол ёзиб район милиция бўлимига топширдим. У қилмишига яраша жазоланди.

Аюб Алиев деган шахс эса сургундан қочиб келиб яширинib юрган. Уни топишда ҳам милицияга яқиндан ёрдам бердим.

Абдулла Набиев номли маҳаллада яшовчи А. Кравченко ва А. С. Эсмисов безориликлари учун милиция бўлимига топширдим. Чинни заводидаги 24-ошхона бухгалтери Т. Варанеевани хушёрхонага юборилди.

Маҳаллаларда гоҳо учрайдиган оилавий можароларда ҳам участка вакили сифатида қатнашиб, оиланинг бузилмаслигига ҳаракат қиламан. Яқинда Фахриддин Комилжонов ва Нури Комилжоноваларнинг оилавий жанжалини тинчитиб, ҳар иккаласидан ёзма тилхат олдим.

Бундай тадбирлар натижасида кейинги вақтда территориямизда жиноятларнинг сони кескин камайиб боряпти.

Жиноятчиларни очишда ва қонун бузувчиларни тартибга чақиришда «Октябрь 40 йиллиги» маҳалла комитетининг раиси Расул Раҳмонов, кўнгилли халқ дружиначиларидан Одил Олимжонов, Исмоил Мақсадқулов, Тўхтахўжа Султонхўжаев, Мирсоат Ғаффоров, Турсунбой Иноятов ва бошқалар яқиндан ёрдам беришмоқда.

Мен участка вакили бўлишимдан олдин «Октябрь 40 йиллиги» маҳалласида кўнгилли халқ дружиначилари командири бўлиб ишлаган эдим.

Жиноятчилар ва дангаса, ишёқмас, безорилар бор экан, уларга қарши кураш олиб боришда милицияга қўлимиздан келганча ёрдам берамиз. Бу билан биз жамиятимизга ёт бўлган унсурларга қарши курашишда ўз ҳиссамизни қўшган бўламиз.

Т. ИЎЛДОШЕВ,
Октябрь район милиция бўлимининг жамоатчи участка вакили.

Булар Тошкент шаҳар Ленин районининг энг актив кўнгилли халқ дружиначиларидан ҳисобланади. Жамоат тартибининг бу ҳушёр соқчилари район территориясида мустаҳкам тартиб ўрнатиш йўлида жонбозлик кўрсатмоқдалар. Айрим ичкиликбоз ва тартиббузарларга қарши кескин кураш олиб бораётирлар. Шу билан бирга бу абжир йигитлар ишлаб чиқаришда ҳам кўпчиликка намуна кўрсатишяпти. Уларнинг тўрттови ҳам меҳнатда юқори кўрсаткичларни қўлга киритаётган коммунистик меҳнат бригадасининг аъзоларидир.

Суратда: (чапдан ўнгга) И. Великий, В. Сополев, Ю. Захаров ва А. Гордеев ўртоқлар.

А. Палехов фотоси.

Тартиббузарларга йўл йўқ!

— «Ташгипрогорми» бу? Менга партия ташкилотининг секретари керак.

Мендель Меерович Пятецкий алькоголлик қилиб жамоат тартибини бузган, одамларни ҳақорат қилган бош инженер А. К. Апольскийга нисбатан у ишлаётган ташкилот қандай чора кўрганлигини билишга қизиқаётган экан.

— Ёзиб юборган хатимизга жавоб юборишмаяпти,— дейди у институт маъмуриятидан ҳақли равишда ранжиб.

Пятецкий командир бўлган Бирлашган нашриёт босмахонаси дружиначилари ўзларига қарашли микрорайонда жамоат тартибини сақлаш юзасидан намунали ишлар қилмоқдалар. Улар Театр майдони, Ўзбекистон, Дзержинский, «Правда Востока» кўчаларида ҳар куни кечқурун навбатма-навбат соқчилик қилиб юришади. Бирон бир тартиббузар учраб қолдими, уни дарҳол оператив пунктга олиб келиб тегишли чора кўришади. Босмахонанинг 115 илғор ишчиси кўнгилли халқ дружинаҳиси ҳисобланади. Улар орасида 45 коммунист, 33 комсомол аъзоси, 24 хотин-қиз бор. Дружина аъзолари жойларда оммавий тушунтириш ишлари олиб боришга асосий эътибор берадилар. Уларнинг ёшлар ўртасида олиб бораётган мазмунли суҳбатлари яхши самара бермоқда. Дружиначилар чайқовчиларга қарши кураш, ҳар хил жиноятларнинг олдини олиш юзасидан ўтказилган махсус рейдларда қатнашиб Ленин район партия ташкилотига яқиндан ёрдам бермоқдалар. Бу соҳада С. Ўмбоев, В. Неулибин, К. Исаханов, Н. Нургалиева, Г. Ярославцева сингари илғор дружиначилар ўрнак бўлмоқдалар.

Кўкрагида «Дружиначи» значогини фахр билан тақиб юрувчи тиниб-тинчимас, жасоратли командир М. Пятецкий бошлиқ бу осойишталик соқчилари «тартиббузарларга йўл йўқ!» шиори остида ишламоқдалар.

М. СОАТОВ.

КЎНГИЛЛИЛАР ЖАСОРАТИ

Кўнгилли халқ дружиначилари ҳақида гап борар экан, бехитиёр Янгийўл ишлаб чиқариш бошқармасининг ҳушёр, довюрак йигит ва қизлари кўз ўнгингизга келади. Улар олиб бораётган ишлар чиндан ҳам диққатга сазовордир. Бошқарма кўнгилли халқ дружиначилари жиноятни очишда, унинг олдини олишда милицияга яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар.

Жамиятга бирор фойда келтиришдан бўйин товлайдиган, жамоат манфаатидан ўз манфаатини устун қўядиган, безори, дангаса ишёқмаслар дружиначиларнинг ҳақирига дучор бўлаяпти.

Ҳа, дадил олға қараб силжишимизга оз бўлсада тўсқинлик қилаётган бу эскилик қолдиқларига шафқатсиз кураш олиб боришда кўнгилли халқ дружиначиларининг роли бебаҳо. Уларнинг катта ёрдамлари туфайли кўпгина жиноятларнинг олди олинмоқда, бахтсиз ходисалар рўй беришига йўл қўйилмаётир.

Янгийўл бошқармаси кўнгилли халқ дружиначиларининг сафи кун сайин кенгайиб боряпти. Ҳа, улар қанчалик зийраклик ва хушёрлик билан ишласалар жиноят шунча кам бўлади. Ҳозирда бошқармада 56 ташкилот бўлиб, унда 750 га яқин дружиначи фаол ишлаб келмоқда.

«Шарқ юлдузи» колхозининг дружиначиларининг олиб бораётган ишлари айниқса диққатга сазовордир. Улар ҳар бир кичик жиноятга катта эътибор билан қарашяпти. Ленин номли, Оҳунбобоев номли, Свердлов номли ва «Интернационал» колхозининг дружиначилари ҳам мақтаса арзигудек ишлар қилишяпти. Улар жамоат тартибини бузувчиларга, безори ва текинхўрларга қарши шафқатсиз кураш олиб боришяпти.

«Интернационал» колхозининг кўнгилли дружиначиси Аҳад Бачатов У. Габаевани ўғрилик қилиб турган пайтда қўлга тушириб, жиноятнинг олдини олди «Ленинизм» колхози аъзолари — дружиначи Толипов ва Юсуповлар колхоз мулкига кўз олайтирган Ёқубов ва Абдуллаевларни жиноят устида қўлга туширишганлар.

«Шарқ юлдузи» колхозининг дружиначилари М. Ахмаджонов ҳамда А. Қосимов ўртоқлар фақат колхоздагина эмас, балки бошқармада энг эпчил, довюрак кўнгиллилардан ҳисобланади. Улар ҳушёрлик билан ишлаб бирнеча жиноятнинг олдини олишган.

Тошкент область суғориш тармоқлари бошқармасининг старший мотористи А. Н. Баядовский Оҳунбобоев номли колхознинг лалмикор ерларидан 3,3 гектар жойга шоли экқан. 15 гектар ерга эса бугдой экқан. Доннинг талайгина қисмини боқимидаги 7 бош чўчқасига бериш учун уйига яшириб қўйган. Колхоз мулкига чанг солган, мўмай даромад топишга уринган жиноятчининг сирини очишда ҳам кўнгилли дружиначиларнинг ёрдами катта бўлди.

Кейинги вақтларда бошқармада жиноятларнинг камайиб боришида милициянинг содиқ ўринбосарлари ҳисобланган кўнгилли халқ дружиначиларининг хиссаси катта.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

ЖАҲОН БЎЙЛАБ

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

БЕРЛИНДА МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

БЕРЛИН, (ТАСС). Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси А. Норден демократик Германия Миллий фронти Миллий кенгашининг бугун Берлинда ўтказган матбуот конференциясида гапириб, нўп томонлама ядро қуролини — Германияни қайта бирлаштиришнинг гўрнони бўлади, деди. А. Норден Боннинг ҳарбий-сиёсий концепциясини батафсил анализ қилиб берди. Бонн генералитети, деди А. Норден, НАТОнинг ядро флотини вужудга келтириш йўли билан, атом қуролини тадқиқ қилиш ва ишлаб чиқариш соҳасида Франция билан ҳамкорлик қилиш йўли билан, шунингдек ракета қуролини ғарбий Германияда ишлаб чиқаришга тайёргарлик кўриш йўли билан атом қуролидан фойдаланиш ҳуқуқини олишга интилмоқда. Шунинг учун ҳам Бонн Германия Демократик Республикасининг ҳар икала герман давлати ядро қуролидан воз нечсин, деган таклифини рад қилмоқда.

Бундесвернинг ҳозирги бош қўмондони генерал Третнер ўтмишда фашист жиноятчи бўлганлиги тўғрисидаги материаллар матбуот конференциясида қатнашганларга улашиб берилди.



Германия Демократик Республикаси қўнғир кўмир қазиб чиқариш бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллайди. Кўмир қатламларини қайта ишлаш энг янги техника ёрдамида очиқ усулда олиб борилади.

Суратда, Лаухаммер машинасозлари томонидан яратилган қудратли экскаватор Клейнлейпциг (Котбус округи) кўмир хавзасида.

(АДН — ТАСС фотоси).

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИДА

НЬЮ-ЙОРК, 28 февраль. (ТАСС). Хавфсизлик Кенгаши Кипр Республикасининг мустақиллиги ва бутунлигига таҳдид солинаётганлиги сабабли Кипрнинг шикоятини муҳокама қилишни давом эттирмоқда. Кечаги мажлис Туркия делегациясининг талаби хусусида процедура мунозарасн бошлаш билан очилди. Туркия делегацияси Хавфсизлик Кенгаши Кипрда озчилик бўлган туркlар вакилининг гапини «манфаатдор томонлардан бири»нинг вакили сифатида эшитиш, деган талабни қўйди.

СССР, Чехословакия ва Боливия вакиллари бу талабга қарши чиқдилар. Совет Иттифоқининг вакили Н. Т. Федоренко айтдики, Хавфсизлик Кенгаши муҳокама қилинаётган масала устидаги мунозарада қатнашмоқ учун Кипр вакилини таклиф қилди. Хавфсизлик Кенгаши, деди у, Кипр Республикасининг ҳукуматини ва унинг президентини якналаб қўйишга қаратилган ножўя найрангларга шерик бўлиб қолмаслиги керак. Боливия вакили Хустиниано башарти, Хавфсизлик Кенгаши турклар жамоаси вакилининг гапини эшитишга розилик берса, бу нарса республиканинг ички ишларига очиқдан-очиқ аралашиш бўлади, деб уқтирди.

НАТО мамлакатларидан Қўшма Штатлар, Англия, Франция ва Норвегия вакиллари Туркиянинг талабини қўллаб-қувватладилар.

Англия вакили Патрик Дин Хавфсизлик Кенгашини халқаро кучлар деб аталмиш кучларни тезроқ тузишга чақирди ҳамда шу билан бирга «тегишли тартибда тузилган» ана шундай халқаро кучлар»да қатнашишга Англия ҳукуматининг тайёр турганлигини билдирди.

Шундан сўнг, Кипр ташқи ишлар министри Киприану сўзга чиқиб таъкидладики, айрим давлатлар ўртасида тузилган ҳар қандай шартнома бу давлатларни куч ишлатмаслик ва куч ишлатиш тўғрисида даъдага қилмаслик ҳақида БМТ Уставига биноан ўз зиммаларига олган мажбуриятларидан соқит қила олмайди. Кипр Республикасининг ҳукумати Кипрга нисбатан худди ана шу мажбуриятга риоя қилинишини талаб этмоқда. Кипр, деди пировардида Киприану, ўз бутунлиги ва мустақиллигини охиригача химоя қила беради.

Боливия вакили Хустиниано Кипр Республикаси Лондон ва Цюрих битимларининг таъсири билан эмас, балки кипрликларнинг ҳохиш иродаси билан мустақилликка эришганлигини уқтириб гапиргач, Кипрнинг нуқтаий назарини қувватлади.

Шундан сўнг сўзга чиққан Туркия вакили Менеменжи—ўғли бостириб кириш тўғрисида зўрга ниқобланган аўк-пўписаларни танрорлаб гапирди.

ВАШИНГТОННИНГ БУЙРУҒИ БИЛАН

ВАШИНГТОН, 28 февраль. (ТАСС). Венесуэла ҳукумати Вашингтоннинг буйруқларига малайларча амал қилиб, яқинда Англия, Франция ва Испания ҳукуматларига ультиматум топширди ва уларнинг Куба билан савдо-сотиқни тўхтатишларини талаб қилди. Бетанкур ҳукумати ўзининг қабих талаблари бажарилмаган тақдирда ана шу мамлакатларнинг кемалари ва самолётларини бойкот қилиш билан таҳдид этади.

Бу ерда хабар беришларича, Венесуэла Ғарбий Европанинг Куба билан савдо-сотиқ қилувчи давлатларини Латин Америкасидаги барча мамлакатларнинг бойкот қилиши тўғрисидаги масалани министрларнинг Америкаро конференцияси муҳокамасига қўйиш ниятидадир. Бу конференция шу йилнинг баҳорида Вашингтонда чақирилади.

Франс Пресс агентлиги обзорчисининг хабар беришича, дипломатлар Бетанкурнинг уринишлари муваффақиятли чиқишига ишонмаётирлар ва савдо муносабатларининг узилиши ана шу ультиматумлар юборилган Ғарбий Европа мамлакатларига кўра. Венесуэланинг ўзига кўпроқ зарар етказади, деб таъкидламоқдалар.

АФРИКА МУСТАҚИЛЛИГИГА ТАҲДИД

ПАРИЖ, 28 февраль. (ТАСС). Африка-Мальгаш иттифоқи бош секретарининг собиқ ўринбосари Жермен Мба баёнот эълон қилди. Бу баёнотда у де Голлнинг буйругига биноан, Ғарбон Республикасидаги қўзголончи бостириш учун Франция қўшинлар юбориб интервенция қилаётганлигини қоралади. Жермен Мба Франция қўшинларининг Габон ишларига аралашаётганлигини «Африканинг мустақиллигига қилинаётган жиддий ҳамла» деб ҳисоблаб, Францияннг бу ҳаракатларига норозилик билдириш юзасидан ўз вазифасидан истеъфо бериб кетди.

Франс Пресс агентлиги мухбирининг хабарида айтилишича, Африка-Мальгаш иттифоқидаги Габон Республикасининг вакили Жермен Мба ўзининг бу баёнот хатини Африка бирлиги ташкилоти Министрлар Советининг Нигерия пойтахти Лагосда ўтказилаётган сессиясига юборди.

«Генерал де Голль Африкага таҳдид қилмоқда, — дейилади Ж. Мбанинг баёнот мактубида. — Африка бирлиги ташкилоти бундан буён мустақиллигимизнинг бузилишига йўл қўймаслиги лозим».

ГЕНРИ УИНСТОН ВАТАНИГА ҚАЙТИБ БОРДИ

НЬЮ-ЙОРК, 28 февраль. (ТАСС). Қўшма Штатлар Коммунистик партиясининг таниқли арбоби Генри Уинстон бугун Нью-Йоркка қайтиб борди. Генри Уинстон икки ярим йил мобайнида Совет Иттифоқида даволанган эди.

ИНДОНЕЗИЯ—ФИЛИППИН АХБОРОТИ

ЖАКАРТА, 28 февраль. (ТАСС). Индонезия президенти Сукарно ва Филиппин президенти Магапагал бугун эълон қилинган қўшма ахборотларида Малайзия федерацияси тузилиши муносабати билан рўй бераётган танглikни бартараф қилишга уринган кўриш мақсадида Индонезия, Филиппин ва Малайзия Федерацияси раҳбарларининг кенгашини мумкин қадар тезроқ чақиришга даъват этадилар.

Магапагалнинг Жакартадан кетишидан бир кун олдин имзоланган ахборотда Африка-Осиё мамлакатларининг Бандунг конференциясига ўхшаш иккинчи конференциясини ҳам чақириш зарур эканлиги таъкидланади.

Москва шартномаси Япония парламентининг муҳокамасида

ТОКИО, 28 февраль. (ТАСС). Япония ташқи ишлар министри Охира бугун атмосферада, космик фазода ва сув остида ядро қуроли синовларини тақиқлаш тўғрисидаги шартномани ҳукумат номидан парламент қўйи палатаси ташқи ишлар комиссиясига тақдим этди.

Охира айтдики, Япония ядро қуролини синаб кўриш мақсадида ўтказиладиган ҳар қандай портлатишларни тўхтатиш учун изчил курашиб келмоқда. У сўзини давом эттириб яна бундай деди: Мамлакатимизнинг фикрича, бу шартнома ядро қуролининг барча синовларини келгусида бутунлай тақиқлаш йўлидаги биринчи қадам сифатида ижобий аҳамиятга эгадир.

Охира парламент депутатлари шартномани мумкин қадар тезроқ қараб чиқиб маъқуллашларини истаганлигини билдирди.

ЖИНОЯТ КУПАЙМОҚДА

Жанубий Кореяда болалар ўртасида жиноят йил сайин авж олмоқда. Матбуот хабарларига қарағанда ўтган йили мамлакатнинг ҳамма қисмида болалар ўртасида 98.794 жиноят бўлганлиги қайд қилинган. Бу — 1959 йилдагидан тўрт баравар ортиқдир.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»
3-БЕТ, 1 МАРТ 1964 ИИЛ.

Ҳордиқ чиқармоқчи бўлсангиз...

Агар сиз дам олиш кунингизни мазмунли ва қизиқарли ўтказай десангиз, ҳафталик меҳнат ҳордиғини чиқармоқчи бўлсангиз, марҳамат: кинотеатрлар ва лекторийлар, театр ва клублар сизни кутмоқда. Бугунги намойиш қилинадиган фильмлар ва программа номерлари рангбаранг.

Оламда қандай воқеалар содир бўлаётганлигини, коинот сирларидан хабардор бўлишни истасангиз Пушкин номидаги маданият ва истироҳат боғидаги планетарийга келинг. Бу ерда сиз «Бошқа планеталарда ҳаёт борми?», «Коинотнинг ички томонлари», «Ойда нималар бор?», «Буюк географик кашфиётлар» кабн қизиқарли лекцияларни тинглашингиз мумкин.

Шаҳар лекторийсида эса «Кибернетика ва химия», «Кипрда қандай воқеалар бўлмоқда» деган темада суҳбат эшитиб кўп нарсаларни билиб оласиз. Сўнгра «Галина Уланова» ва «Мотоцикл трассасида» деган қисқа метражли фильмларни томоша қилсангиз ҳам бўлади.

В. Маяковский номли болалар кутубхонасида эса Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллигига атаб «Фрунзе районининг бундан 40 йил аввалги ва ҳозирги қиёфаси» деган мавзуда суҳбат ўтказилади. Шунингдек Охунбобоев номли шаҳар маданият уйи ходимлари ташаббуси билан «Октябрь 40 йиллиги», Собир Раҳимов номли, Пушкин номли, «Ғалаба» маҳаллаларида 8-март байрами олдидан лекция ва кечалар ҳам бўлади.

М. ЗАРИПОВ.



Суратда: Олмазор трассасида қурилган янги биолар.
С. Икромов фотоси.

Януш ОСЕНКО
(Поляк ёзувчиси)

ЎТ КЕТДИ

(ЮМОРИСТИК ҲИКОЯ)

□ □

— Алло! Бу комендант Кораликевичми?.. Илтимос, Калиновский қўнғироқ қиляпти деб қўйинг... Яхши, кутиб тураман... Стефанмисан? Салом! Калиновский гапиряпти... Танимайман деганинг нимаси... Бирга ўқиганингчи. Эсингдами, мен анави бақалоқ билан тўртинчи қаторда ўтирардим... Ҳозир... Ҳозир... фамилияси нимайдиям... Иттифоқо Гурецкий эмасмиди? Е Глукомидиа? Сенга нимаям демоқчийдим-а? Ҳа, албатта Глушко эди. Мени эшитаяпсанми? Кичкинагина илтимосим бор эди сенга. Уйимга ўт тушиб кетди. Ҳозир уйим рўпарасидаги кафедан телефон қиляпман. Ёнғин бошланган заҳотиёқ сенинг ёнғин хавфсизлигида комендант эканлигингни эсладим. Агар бирорта ўт ўчирувчи машина билан бирнеча шибилармон ўт ўчирувчилардан юборсанг секдан жуда миннатдор бўлардим. Олдин ертўлани ўт олди, ҳозир ёнғин иккинчи қаватга ҳам етай деб қолди... Йўқ, навбатчига қўнғироқ қилмадим; ҳўш биласанми, у мени танимайди, иннакейин нотаниш одам телефон қилган билан улар ёнғинни пала-партиш ўчиришади. Тўғри келган жойга сув сепишаверади. Юқоридан кўрсатма олишса борми, бунинг устига бундан сен шахсан манфаатдор эканлигингни шипшитиб қўйсанг, ана унда ҳамма ишни жойида қилишади. Солнечная кўча... Нима, сени районингга кирмайди? Бўлмаса, балки бу районнинг комендантини биларсан? Ахир, хизматдош бўлгач, бир-бирларингни билмай илож йўқку!.. Нима, дарҳол навбатчига қўнғироқ қил дейсанми? Сен телефон қилолмайсанми, а? Стефан, ахир биз мактабдош дўстлармизку. Чўчқалик қилмасанг-чи! Ўртоғингга ёрдам беришни хоҳламайсанми? Эссизгина сенга мурожаат қилиб ўтирибман-а. Майли, бу менга келгуси учун сабоқ бўлди. Ўзгидек расмиятчи экансан! Жуда ихлосимни қайтариб юбординг!.. (Трубкани қўйиб, бироз ўйланиб турди-да, бошқа номерни терабошлади).

— Алло! Роза холамисиз? Нима? Ваннахонада? Бир минутга ваннадан чиқишини илтимос қилинг, жуда муҳим ишим бор эди. Кутиб тураман (бироз кутади). Ҳа, хола, яхшимисиз! Сизни безовта қилганим учун жуда-жуда кечирим сўрайман, сира кечиктириб юборгим келмайдиган бир иш чиқиб қолди. Сизникидаги именинада бўлган ўт ўчирувчилар мундиридаги гражданин эсингиздадир-а? Қотмадан келган, тепакал кишичи. Кўз ойнак таққан. Хаҳ, ана ўша полковник Яскулкамиди? Бугун шаҳар бўйича ёнғин хавфсизлигининг бошлиғида, шунақами? Ўринбосарими? Майли, барибир. У ҳам хўжайинда. Мобода билмайсизми, ўшанга қандай телефон қилса бўлади? Балким, Ксаверий амаки билар? А, Ксаверий амакининг телефон номерини?.. Яхши, ёзиб олдим. Раҳмат... Тинчмисизлар дейсизми? Ҳа, тинчмиз. Сабина дам олишга кетган. Ҳўп, ҳозирча хола, кейинчалик бафуржа гаплашармиз. Ҳозироқ шошилинч телефон қилишим керак. уйим ёниб кетаяпти... Ҳа, худди шуни ташвиши-да. Кўяверинг, куйинманг... Нима? Ҳозир учинчи қавата ҳам ёнбошлади. Хайр, кўришгунча. Яна бир марта катта раҳмат (Трубкани қўйиб, бошқа номерни терабоқилайди).

— Алло! Ксаверий амаки! Яхшимисиз, амаки. Сиз полковник Яксулканинг телефонини биларкансиз, анавичи, ёнғин хавфсизлигида шилайди-ку... Кейин айтиб бераман, ҳозир қидириб топинг, илтимос... Жуда соз, кутиб тураман... (Кута бошлайди). Балким, календарга ёзиб қўйгансиз... Нима, ундаям йўқми?.: Ҳа, ҳа, тўғри балки. Телефон китобчасида бордир... Бораканми! Эшитяпман, ҳозир ёзиб оламан... Кимдир эшикда чақиряпти дейсизми? Бўлмаса дарров эшикни очингда, ёки йўқ, яхшиси олдин менга номерни айтинг, кейин очарсиз, шим жуда шошқич.. Раҳмат. Охири нолми. Хўп, кўришгунча. Тинчлик бўлиб турса, эртага бирров уйингизга кириб ўтарман. Хайр. (Трубкани қўйиб, номер терабошлайди).

— Бу полковник Яскулками? Калиновский гапиряпти. Нима, ярим кечада келади? Йўқ, ҳеч қанақа айтадиган гапим йўқ. Мабода айтолмайсизми уни хозир қаердан топиш мумкин? Аҳаббридж ўйнамоқда дейсизми? Директор Крендшиньскийни к и д а. Агар директорнинг телефон номерини берганингизда сиздан жуда миннатдор бўлардим-да. Хўш, ёзиб олдим. Самимий раҳмат. Хайр (Трубкани қўйиб, номер терабошлайди).

—Алло! Директор Крендшиньскийни чақириш мумкинми? Калиновский гапиряпти. Полковник Яскулкани телефонга чақириб бера олмайсизми? Нима? Ҳа, жуда шошқич иш. Ҳозир полковникнинг жуда омади келиб турипди дейсизми? Яхши, мен кутатираман. Йўқ, ўт тушгани йўқ! Йўғе, ўт тушган, лекин ҳечқиси йўқ, полковник ўйнаб бўлгунича кутиб тураман. Тамом бўлдими? Раҳмат. Алло! Бу полковник Яскулками? Калиновский гапиряпти. Сиз балки мени эслай олмассиз? Роза холамникида именинада бирга бўлгандик. Косткевич. Сиз ўшанда Ксаверий амаки ёнида ўтиргандингиз, мен эса сал нарида. эшикка яқинроқ ўтириб ўтирувдим. Албатта, бўлиши мумкин. Ўшанда чироқ сал хирароқ эди, ўзиям. Хўп, энди чўзиб ўтирмай, шидан гапира қолай. Гапни сўрасангиз уйимга ўт тушиб кетди, сизга рўпарадаги кафедан телефон қиляпман. Шу масалада менга ёрдам бера олмайсизми? Ҳали телефон қилганимча йўқ. Одатда бу ишни қандай бажаришларини биласизку. Шундоққу-я, лекин тавакалчилик қилинмагани яхши. Менимча кимнингдир юқоридан кўрсатма бергани маъқул. Шунда улар ўйлаброқ иш қилишади. Нима? Пенсияга чиқдингизми? Лекин, ҳар ҳолда ҳозирги бошлиқни биларсиз? Агар унга қўнғироқ қила олганингизда сиздан жуда миннатдор бўлардим. Нима, у билан аччиқлашиб қолганмисиз? Э, сизга ёмонлик қилганми? Эҳ аттанг. Ёнғин бешинчи қаватга етди. Ҳозир, бир минутга, айтингчи, ёнғин хавфсизлиги министрлардан қайбирига бўйсунади? Сиз уни шахсан танийсизми? Қойил! Сиздан ўтиниб сўрайман, унга телефон қила олмайсизми? Бўлардиқу, лекин жуда муҳим иш-да. Менимча рад этмаса керак. Ҳўп яхши, ёзиб оламан. Унга ўзим телефон қилиб, сизнинг номингиздан илтимос этаман. Катта раҳмат. Йўқ, жуда иложи бўлмасагина унга қўнғироқ қиламан. Министр рад этсачи дейсизми... Менимча ундоқ қилмас. Ўйингга халақит берганим учун кечиргайсиз. Раҳмат, Роза холамни кўришим биланоқ албатта етказаман. Хўп, кўришгунча, ўйинингизга муваффақият тилайман. Хайр (Трубкани қўяди ва яна номер терабошлайди).

— Алло! Кечирасиз, мени министр билан боғлай олмайсизми? Калиновский гапиряпти. Йўқ, гапим бор. Йўқ, хизматга таалуқли иш эмас, ҳа, дарвоқе маълум даражада алоқаси ҳам бор. Трубкани олмаётипти? Ундай бўлса, балки кабинетига кириб, полковник Яскулканинг тавсияси билан Калиновский қўнғироқ қиляпти десангизмикин. Ҳа, ўшанга ёнғин хавфсизлиги бошлиғининг собиқ ўринбосари тавсия қилди. Яхши, кутиб тураман.. Ҳа, эшитаман. Бир соатдан кейин телефон қилинг! Кечирасиз, мутлақо мумкин эмас! Алло! Алло! (Яна номер терабошлайди). Бу яна Калиновский. Трубкани илиб қўйманг, илтимос, уйим ёниб кетяпти. Мен тўғримда яна бир марта министрга айтишингизни ўтиниб сўрайман. Бир минутли гап, холос. Онт ичаман, гапни жуда қисқа қиламан. Хўп кўтаман... Алло! Министрмисиз! Сизни безовта қилишга журъат этганим учун кечиринг. Ёнғин хавфсизлиги бошлиғининг собиқ ўринбосари Яскулканинг тавсияси билан Калиновский гапиряпти. Нима гап дейсизми? Тушунаман, вақтингиз йўқ... Бир ишда менга ёрдам беришингизни ўтиниб сўрайман... бир минутга, ҳалиги ёнғин хавфсизлиги сизга бўйсунадими? Аҳа, демак билиб телефон қилибман. Гап бундай, уйим ёниб кетяпти, рўпарадаги кафедан қўнғироқ қиляпман. Ҳозир ўт... йўқ, кечирасиз: Каттиқ узр сўрайман, энди ҳеч нарсанинг ҳожати бўлмай қолди. Безовта қилганимга минг марта кечирим сўрайман. Хайр, ўртоқ министр (Трубкани қўяди). Қойиб қул бўлди-я! Ҳа, бизда таниш-билишсиз бир иш қилиб бўлмайди, деб бекорга айтмасдим!

Русчадан Т. Нажмиддинов таржимаси.

АЖОЙИБ КАШФИЁТЛАР

ЖОНСИЗ «ТАРЖИМОН»

Тбилисида янги бир ҳисоблаш машинаси ихтиро қилинди. Бу машина рус тилидаги текстни грузин тилига таржима қилади. Электрон агрегат тилнинг фақат лексик томонинигина ҳисобга олмай, балки грамматик хусусиятларига ҳам амал қилади. «Таржимон» ҳатто идиоматик ибораларни ҳам аниқ бера олади.

РАНГЛИ РЕНТГЕН

Японияннг пойтахти Токио шаҳрида рангли рентген мосламаси ясалди ва синаб кўрилди. Гарчи ҳозирча рангли рентген инсонда синаб кўрилмаган бўлса-да, олимлар унинг врачларга катта ёрдам кўрсатишига шубҳа қилмаётир.

ОИЛАНИ ҚАДРЛАЙЛИК, ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИ АРДОҚЛАЙЛИК

«БАҒРИ ТОШ ОТА» МАҚОЛАСИ ГАЗЕТХОНЛАР МУҲОКАМАСИДА

«Тошкент ҳақиқати»нинг шу йил, 23 февраль сонида босилган «Бағри тош ота» мақоласи юзасидан редакцияга жуда кўп хатлар келмоқда. Ана шу хатларнинг авторлари турли касбдаги кишилар. Улар ичида кексалар ҳам, ўқувчи-студент ҳам, ишчи-хизматчи ҳам, хотин-қизлар ҳам, интеллигентлар ҳам бор. Хилма-хил конвертларни очиб, хатларни бирма-бир кўздан кечирар экансан, бир оила бошига тушган кўнгилсиз кулфат кўпчилиннц ташвишлантираётганн, бемеҳр ва диёнатсиз ота томонидан қақшатиб қўйилган гўдакларнинг тақдирига кенг жамоатчилик бефарқ қарамаётганн кишини тўлқинлантиради, қаяжонлантиради. Ҳа, бизда оилалар бир-бирига бегона эмас, ғойибона бўлса ҳам жигар-гўшаларден бири-бирига пайванд.

Ана шу яқинлик, дўстлик ва биродарлик, инсонга бўлган меҳр-муҳаббат ҳарорати, кўпгина газетхоннинг қўлига қалам тутқазгани бизнинг давримизда табиийдир. Бу хатларда беш фарзанди ва вафодор умр йўлдошининг юзига оёқ қўйган ноинсоф Шоазиз Ҳамидов ҳамда ўзганинг тотув оиласини бузган, енгил табиатли Вазира Азимованинг қилмишлари қаттиқ қораланмоқда. Оилани муқаддас ва пок билувчи кишилар саёқ «ошиқ—маъшуқлар»нинг бу тубан қилмишларига нафрат ўқиш билан бирга Шоазизни инсофга, оилага қайтишга ундамоқдалар. Узларининг холис фикрларини кўпчилинка ҳавола қилмоқдалар.

Қуйида ана шу хатлардан баъзиларини эълон қилмоқдамиз.

ШОАЗИЗ, КЎЗИНГНИ ОЧ!

Ҳар галгидек бу якшанба куни ҳам маҳалла клубига юзга яқин киши тўпланган. Маҳалла комитети раиси Сайфиддин Рихсиев «Бағри тош ота» сарлавҳали мақолани кўпчиликка ўқиб эшиттирди.

Пенсионерлар партия ташкилотининг секретари Маҳмуд ота сўзга чиққан маҳалла жамоатчиларидан: кекса пенсионер Ш. Шоумаров, бастакор И. Икромов, оқсоқоллар советининг раиси Тўлаган ота Холмухамедов, хотин-қизлар советининг раиси Муаззам опаларнинг сўзларини якунлар экан бундай деди:

— Насибахон эри Шоазизни ўз оиласига қайтаришни сўраб жамоатчиликка мурожаат қилиб жуда тўғри қилган. Бу умр йўлдошининг тўғри йўлдан тойганига тоқат қилолмай, уни оилага қайтариш учун қилинган олижаноб ҳаракатдир. Бу эса кўпгина соф виждонли, ақл-заковатли аёлларимизга хос бўлган юксак фазилатдир. Шоазиз буни тўғри тушуниши керак. Ахир фарзанд оиланинг гули-ку! Наинки Шоазиз шу муаттар ҳушбўй гуллардан, вафодор умр йўлдошидан воз кечиб, фарзанд меҳридан маҳрум бўлган ўша саёқ Вазирани ўзига муносиб кўрса. Йўқ! Бунга чидаб бўлмайди,—ота тутоқиб, изтироб ичида жон куйдириб гапирарди. У ўзига боқиб турган кўзларга бир тикилиб олди-да, якун ясади,—таажжубки. Насибахон яшаб турган маҳаллада бу аҳволга нечун бефарқ қараяптилар. Мен маҳалла аҳолиси номидан бир оиланинг ширин турмушини бузган Вазира Азимованинг жазога тортилишини, Шоазизнинг ҳулқ-атвори эса кенг жамоатчилик ўртасида муҳокама қилиниб, ўз оиласига қайтарилишини талаб қиламан.

Йиғилиш қатнашчилари отанинг бу таклифини қизғин маъқулладилар.

Б. ЕҚУБОВ,
Р. ЛУТФУЛЛАЕВ,
Чилонзор район, 3-Чарх-Комолон маҳалласи.

Бу—виждонли кишининг иши эмас

Вазира, қадамингизни билиб босинг, кўзингизни очинг! Аёллар кўнгли чақадар нозик эканини сиз ҳам биларсиз, албатта. Пичоқни ўзингга ур, оғримаса бировга дейдилар. Насибахон ўрнига ўзингизни бир қўйиб кўрингга, наҳотки 15 йиллик турмуш бузилиб кетаверсаю, сиз бунинг сабабчиси бўлиб қолаверсангиз?! Сиз ҳийла билан Насибанинг уйига дастлабки борганингизда унинг «Сиз оғзимиз сенга бормаган» деган сўзини эшитгандингизку. Бу ҳам сизга заррача таъсир қилмадими? Беш гўдак соғинч билан ўз отасини қўмсаши, ота атрофида парвона бўлиши ҳиссиз, меҳрсиз юрагингизга бориб етмагандирда-а?

Вазира! Ҳали ҳам кеч эмас. Бу хатонгизни тушунинг. Ўз оталарини сабрсизлик билан кутаётган осуда гўдакларга уларнинг отасини қайтарсангиз инсоний бурчингизни ўтаган бўласиз. Акс ҳолда сиз Шоазиз билан бирга эл-юрт назаридан қолишингиз, қилмишингизга яраша жазоланишингиз турган гап.

Х. АЛИЕВА,
хизматчи. Октябрь район М. Горький кўчаси.

Болаларингни ўкситма

Ҳурматли редакция! Газетангизда босилган «Бағри тош ота» мақоласини ўқиб чиқдик. Ўйлаймизки, бу ҳақда хат ёзувчилар биргина биз бўлмасак керак. Биз Шоазиз Ҳамидовнинг бу қилмишини нима деб баҳолашга ҳам ҳайрон бўлиб қолдик. Сир эмас, не-не кишилар борки, фарзанд тирноғига зор. Бир кичик ниҳолни ўстириб улғайтириш, уни тарбиялаш ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунинг учун асл ота-она меҳри, чин инсоний тарбия керак. Шоазиз ўз фарзандларидан кечса ҳам лекин давлатимиз, халқ ўзининг иссиқ қучоғини очади. Улар албатта етим бўлиб қолмайди. Бироқ гўдаклар ўз отаси билан бирга бўлгуси, ота эркалашларига тўйгуси келади-да. Оиланинг лаззати, гашти ҳам ана шунда. Фарзанд ўстириш қувончидан маҳрум бўлган Вазира Азимова жуда паст кетган. У аёллик номусини оёқ ости қилиб, беш фарзандли хонадон соҳибига машуқа бўлиб қолган. Шоазиз бўлса ўзининг заиф иродаси ва нопок ахлоқи билан Вазирага мос тушиб қолган.

Вазира ва Шоазиз яшаб турган маҳалла активлари, улар ишлаётган ташкилотлардаги коллективлардан ҳам ранжишга ҳақлимиз. Чунки улар бу воқеага бефарқ қараганлар.

Шоазиз Ҳамидов! Фарзандларингни ўкситма!

Сени қадрдон оилангга қайтарсан деган умиддамиз. Айбингга иқрор бўл. Оилангдан ва жамоатчиликдан узр сўра.

Тошкентдаги 8-мактаб-интернат тарбиячилари номидан:
Э. ТЎЛАГАНОВ.

Жамоатчилик ғазабланмоқда

Мен «Тошкент ҳақиқати» газетасида босилган «Бағри тош ота» мақоласини ўқиб қаттиқ ғазабландим. Ахир бола тарбияси ота-оналар учун инсоний бурч-ку. Қайси одам ўз нури-дийдаларидан воз кечади. Дахшатли уруш йилларида ўн уч болани ўз паноҳларига олган Шоаҳмад ака, Баҳри опаларнинг олижаноб ишлари ҳаммаси ўрнак эмасми!

Шоазиз Ҳамидов оиласининг бузилишига сабабчи бўлган Вазира Азимова нафратга лойиқ иш қилган. У софдил хотин-қизлар шаънига доғ туширяпти. Қилмиш-қидирмиш дейдилар. 15 йиллик турмушини 3-4 кунлик ўткинчи ҳавасга алмаштирган Шоазиз, ўз айшини кўзлаб, ўзганинг бахтига чанг солган Вазирининг таноблари тортилиб қўйилиши керак. Фарзандларимизни асл инсон, кўпчиликка ҳалол хизмат қиладиган қобил фарзанд қилиб тарбиялаш учун аввало ота-оналарнинг ўзлари оилада намуна кўрсатишлари шарт. Бегуноҳ болаларни саргардон қилиб қўйган Шоазиз ва Вазиралар ўз қилмишлари учун халқ олдида жавоб берсинлар.

Т. РАСУЛЕВ,
Тошкентдаги 2-пойафзал фабрикасининг ишчиси.

Оилангга қайт!

Шоазиз! Биз ҳам олти фарзандининг ота-онасимиз. Буларни вояга етказгунча 20 йил машаққат чекдик, меҳнат қилдик, тарбия қилдик.

Ахир Насиба билан турмуш қурганингда қўша-қўша фарзанд кўришни орзу қилгандирсан? Энди ўз орзуларинг рўёбга чиққанида, беш болага ота бўлганингда бу ҳаёсизлигинги қара! Оилада эрхотин муҳаббатини занжирдек боғлайдиган шу фарзандлар эмасми.

Шоазиз гапнинг лўндаси шу: оилангни, болаларингни тарк этма. Фарзандларингнинг тирик етим бўлишига нечун виждонинг йўл беради?!

Вазира, Шоазиз билан бирга сен ҳам гуноҳкорсан. Айниқса сенинг бу ўринда тутган йўлларинг ҳар қандай софдил кишини нафратлантиради. Сен оила, фарзанд, бахт нима эканлигини билмас экансан. Сенга маслаҳат шулким, бу йўлдан қайт!

Кези келганда шуни айтмоқчимизки, Шоазиз билан Вазира ишлаётган ташкилот раҳбарлари нега бундай ярамас аҳволга томошабин бўлиб туришибдий-кин?

Ҳамидулла ИЎЛДОШЕВ,
(ўқитувчи) ва рафиқаси
Соҳиба РИХСИЕВА,
кўп болали она,
Тошкент шаҳар, Сағбон кўчаси.

ЯНГИ РАҚИБЛАР

Россия Федерацияси ва иттифоқчи республикаларнинг «Б» классидаги командалар ўртасида 1964 йилда СССР чемпионатида қатнашадиган бешинчи зона составини маълум қиламиз:

«Труд» (Тюмен), «Строитель» (Курган), «Уралец» (Нижний Тагил), «Салют» (Каменск-Уральский), «Строитель» (Уфа), «Торпедо» (Миасс), «Металлург» (Магнитогорск), «Локомотив» (Оренбург), «Металлист» (Жамбул), «Металлург» (Чимкент), «Динамо» (Целиноград), «Политотдел» (Тошкент области), «Химик» (Чирчиқ), «Нефтяник» (Фарғона), «Спартак» (Самарқанд), «Меҳнат» (Андижон), «Помир» (Ленинобод).

Мавсум якунларига қараб, РСФСР нинг иккита энг кучли командаси республика чемпионатининг финалида қатнашади, иттифоқчи республикаларнинг энг яхши командаси эса иттифоқчи республикалар командаларининг финал турнирида ўйнаш ҳуқуқини олади, лекин бунинг учун турнирида камида 50 процент очко тўплаши шарт. (ТАСС).

„РАССОМ“ МАҲСУЛОТЛАРИ



Пойтахтимиздаги бадиий устахоналар «Рассом» деб аталган ягона комбинатга бирлашди. Унинг устахоналарида тасвирий санъат маҳсулотларидан хилма-хиллари ишлаб чиқарилади.

Кейинги икки йил мобайнида шу комбинат керамика цехининг аҳил, янгилик изловчи коллективи чой идишлари, гуллар тагига қўйиладиган подставкалар, хотин-қизлар безаклари, чиройлик сувенирлар ва маиший керамика буюмларининг 60 дан ортиқ хилини тайёрлади.

Айниқса, рассом М. Раҳимов ишлаган сервиз нусҳалари кишн диққатини ўзига жалб қилади. Бу маҳсулотлар қадимий керамика ўймакорлиги традициялари асосида ишланган. Тамара Барпал тайёрлаган чой сервизлари, керамик маржонлар ҳам муваффақиятли чиққан. Бу ва шунга ўхшаш кўпгина сувенирларни комбинат Аэрофлот илтимосига мувофиқ тайёрлаган. Улар пойтахтимизга келиб кетувчи туристлар ва пассажирлар учун яхши ёдгорлик буюмлари бўлаолади.

Софья Ракова ишлаган «Кўза кўтарган ўзбек қизи», ҳайкалчаси ва Геннадий Шафиевнинг нафис буюмлари аҳоли ўртасида катта қизиқиш билан сотиб олинади. «Рассом» комбинати маркаси билан чиқарилаётган бадиий керамика буюмлари пойтахтимиздагина эмас, балки ундан ташқарида ҳам кенг тарқамоқда. Керамика цехининг 80 процентга яқин маҳсулотлари Москва салонларига, Новосибирск, Қарағанда, Владивосток шаҳарларига жўнатилмоқда.

О. АПУХТИН.



Суратларда: (пастда) комбинатнинг лаборант-рассоми ўртоқ Т. В. Титова иш устида. (Юқорида) комбинатнинг маҳсулотларидан намуналар.

А. Абалян фотолари.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

1 МАРТДА
ВИРИНЧИ ПРОГАММА

Рус тилида: 11.00 — **Эрталабки гимнастика машғулотлари**, 11.20— **Илмий-оммабоп фильм**, 11.40 — **Мантаб янгиликлари**, 12.20 — **Евгений Онегин** (фильм-опера).

Ўзбек тилида: 13.55—**Диафильм** (кичкинтойлар учун), 14.10—**Зарбдор комсомол қурилишларида** (ёшлар учун), 14.30 — **Бой ила хизматчи** (бадиий фильм).

Рус тилида: 17.00 — **Биз қандай ўйнадик** (болалар учун кўғирчоқ фильми), 17.25 — **Телевизион янгиликлар**, 17.40 — **Голубой огонёк** 18.40 — **Концерт** (Бутуниттифоқ радио ва телевидение эстрада оркестри ижросида), 19.20 — **Новости дня** (киножурнал) ва **Тарзаннинг ўлими** номли фильмпамфлет. 20.35 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.40— **Маҳомлар** (Ўзбек музикаси тарихидан), 21.55 —**Телевизион янгилнлар**, 22.10— **Қишлоқ хўжалик фильмлари фестивали**, 22.30 —**Маданий Ўзбекистон** (адабий эшиттириш).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/III да кундуз **Севилья сартароши**, кечқурун **Риголетто**, 3/III да **Гулсара.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА —1/III да кундуз **Фурқат**, кечқурун **Қонли сароб**, 3/III да **Алишер Навоий.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 1/III да кундуз **Ишқинг билан**, кечқурун **Алпомиш**, 2/III да **Тошболта ошиқ.**

КИНО

Тириклар ва ўликлар — «ВАТАН», «ИСКРА». «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун). «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 9 ярим ва кундуз 1-20 минутда).

Зелёнаядаги данғиллама уй — НАВОИЙ номли, (кундуз ва кечқурун).

Хатарли рейс — «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 ва кундуз 12 да).

Қийшиқ ойналар короллиги — «ВАТАН» (эрталаб соат 9 яримда), НАВОИЙ номли (эрталаб 10 ва кеч 5-10 минутда).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
ЛИЛИПУТЛАР
МУЗИКАЛИ АТТРАКЦИОНИ ва ЯНГИ ПРОГРАММАДА ЦИРК ТОМОШАЛАРИ.
Бугун 3 марта томоша кўрсатилади.

МАГИСТРАЛЬ ГАЗ ҚУВУРЛАРИ ЯНГИЙЎЛ РАЙОН БОШҚАРМАСИГА
қурилиш бўйича ўринбосар ва старший инженер вазифасига
қурувчи инженер
КЕРАК
Тошкент шаҳар, Питомная кўчаси, 22-уйда кадрлар бўлимига мурожаат қилинсин. Телефон 5-09-60, 5-14-04, 5-19-28.

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг
«САНОЧИСТКА» АВТОТРАНСПОРТ БАЗАСИГА
расчёт бўлимнинг старший бухгалтери ва мустақил ҳисоботга старший бухгалтер
керак
Мурожаат учун адрес: Болгарские огороди кўчаси, 4-уй (5-трамвайнинг «Қорасув» остановкаси).

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»ГА
ишлаб чиқариш-диспетчерлик, махсус ишлар ва йирик панелли уйлар қурилиши, техника бўлимларининг бошлиқлари, қурувчи инженерлар
керак
Қабул қилинганлар квартира билан таъминланади.
Тошкент шаҳар, Инженер кўчаси, 7-уйда кадрлар бўлимига учрашилсин.

Тошкент шаҳар, Чувалачи кўчаси, Қодирия проезд, 14-уйда турувчи **Самиғжон Маҳмамовнинг** Калинин район, Ҳасанбой қишлоқ советидаги Хрушчев колхозида турувчи Иқбол Дултоевна Азимбоевадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент область, Калинин район халқ судида кўрилади.

Оренбург кўчаси, 57-уйда турувчи **Нурҳоди Алимовнинг** Сағбон кўчаси, 12-тупик, 3-б уйда турувчи Турсун Муҳамедовна Розижановадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Октябрь район халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентских промышленного и сельского областных комитетов КП Узбекистана, Ташкентского горкома КП Узбекистана, промышленного, сельского областных и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг адрес: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26-уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: редактор —29004. Редактор ўринбосари— 25885. Масъул секретарь — 34808. Идеология бўлими — 31936. Саноат ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 33786. Қурилиш ва партия ишлари бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ва партия ишлари бўлими — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлимн — 26232. Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлими —28761, Ахборот ва спорт бўлими —33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлимн —34048. Эълонлар бўлими —28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 02251 ИНДЕКС 64695. Нашр. № Б. 1703.